

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳукукида
УДК: 336.71 (658.1)**

МУСТОФОҚУЛОВА ГУЛНОЗАХОН РУСТАМЖОН ҚИЗИ

**БАНКЛАРДА CAMEL ТИЗИМИДА АУДИТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230702 – “Банк ҳисоби ва аудит”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
Доцент Э. Қодиров**

Тошкент - 2015

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I БОБ. CAMEL ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, МОҲИЯТИ ВА БАНК АУДИТИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	8
1.1. Банк назорати ва аудитида CAMEL тизимининг вужудга келиши.....	8
1.2. Тижорат банклари аудитида CAMEL тизимининг баҳолаш мезонлари.....	18
I боб бўйича хулоса.....	32
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА CAMEL ТИЗИМИ АСОСИДА БАНК АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	33
2.1. CAMEL тизими бўйича тижорат банклари капитали ва активларининг аудити.....	33
2.2. Тижорат банкларида бошқариш қобилияти, даромадлилик ва банк ликвидлигини CAMEL тизими орқали аудит қилиш.....	50
II боб бўйича хулоса.....	63
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА CAMEL ТИЗИМИ АСОСИДА БАНК АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	64
3.1. Ўзбекистон банклари аудитида CAMEL тизимидан фойдаланишдаги муаммолар.....	64
3.2. Ўзбекистонда CAMEL тизими орқали самарали аудитни ташкил этиш йўналишлари.....	70
III боб бўйича хулоса.....	75
Хулоса.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 октябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорининг биринчи иловасида банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини тадбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш белгиланган.

Банк тизимининг тижорат банклари фаолиятини ислоҳ этишда банк назоратини такомиллаштириб бориш, ҳисобот материалларини тузишда халқаро молиявий ҳисобот ва талаблари тамойилларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти банк тизимига ўзгарувчан иқтисодий инфратузилмадаги муаммоларнинг келиб чиқиши сабабларини чуқур таҳлил этиш, унда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш вазифасини юклайди. Тижорат банклари ўз капиталини мунтазам ошириб бориш, активларини самарали бошқариш, ликвидлик кўрсаткичини камайтирмасдан даромад ўсишини таъминлашлари талаб этилади. Банк фаолиятини оқилона бошқариш учун эса, бошқарув ходимларининг иқтисодий билимларини мунтазам ошириб бориш лозим.

Мазкур омилларнинг шаклланишидаги зиддиятларни ҳал қилишда банк назоратининг CAMEL тизими ва банк аудитининг халқаро тамойилларидан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

Шунингдек, Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: “Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръталарини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000-йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир” деб таъкидлаб ўтган.¹

Бундан ташқари, юртбошимиз ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” мавзусидаги асарида банкларнинг капитал базасини мустаҳкамлашнинг зарурлиги масаласига тўхталиб, шундай дедилар : “Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим”².

Хулоса қилиб айтганда, республикаимиз банк тизими олдида юқоридаги қарор ва топшириқларга асосан қўйилган вазифаларни бажариш, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ банк ишини ташкил этиш ва банклар капиталлашув даражасини ошириш зарурлиги мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

² И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т.: «Ўзбекистон» 2009 йил.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, CAMEL рейтинг тизими компонентлари ва республикамиз тижорат банкларини аудит қилиш тизими ҳисобланади. Тадқиқотнинг предмети бўлиб эса, CAMEL рейтинг тизими компонентлари бўйича тижорат банклари банк аудитини ташкил этиш орқали юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертациянинг бош мақсади бўлиб республикамиз тижорат банкларида CAMEL тизими асосида аудитни ташкил этиш асосида мазкур жараёни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- CAMEL тизими илмий-назарий асосларини ўрганиш ва иқтисодий моҳиятини очиб бериш;
- CAMEL тизими компонентлари асосида тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- CAMEL тизими асосида республикамиз тижорат банкларини аудит қилишда мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;
- CAMEL тизими ва банк аудитида тижорат банклар фаолияти назоратини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- CAMEL тизимининг моҳияти аниқ очиб берилди;
- CAMEL тизими компонентлари ўрганилди ҳамда уларнинг бири-бирига боғлиқлиги таҳлил қилинди;
- республикамиз тижорат банкларининг активлдари, капитал етарлилиги, ликвидлигининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилинди;

- CAMEL тизими орқали самарали банк аудитни ташкил этишдаги истиқболлар ва муаммоларни ўрганилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишининг асосий масалалари банкларда CAMEL тизими асосида банк аудитини ташкил этиш масалаларини батафсил ёритиб бериш, мавжуд талабларни ўрганиш, ушбу талабларни мамлакатимиз банк тизимида қўллаш имкониятлари ҳамда бу йўлда мавжуд муаммоларга асосланиб аниқ чора – тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий фаразлари тижорат банкларни томонидан банк аудитига оид янги талабларни бажарилишини баҳолаш, қўлланилаётган бу каби механизмнинг келажакдаги истиқболларини аниқлаш, комплекс таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, аниқ ечимларни излаб топишдан иборат.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. CAMEL тизимини банк аудитига тадбиқ этиш масаласи қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан М.А.Котляров, Г.Г.Фетисов, Г.Г.Коробова, И.О.Лаврушин, Г.С.Папова, П.С.Роуз ва республикаимиз иқтисодчи олимлари А.А.Омонов, С.Х.Норқобилов, Ш.З.Абдуллаева, Т.У.Бобоқулов, М.К.Эрматов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси президентининг Қарор ва Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг низом, йўриқнома ва тартибларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий изланиш натижасида олинган назарий хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини аудитдан ўтказишни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотнинг услубий асослари бўлиб АҚШ Федерал Резерв Тизимининг асосий ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг

унга оид илмий изланишлари ҳисобланади. Шунингдек, магистрлик ишининг предметини тадқиқ қилишда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банк томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳамда тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Диссертация ишида диалектик ёндашув, тарихийлик, мантикийлик ҳамда анализ ва синтез, статистик гуруҳлаш ва иқтисодий таҳлил усуллари, таққослаш усули ҳамда турли молиявий ҳисоб усуллари кирди. Кўп ҳолларда иқтисодий субъектларнинг ҳисобот маълумотлари асосида, улар фаолиятини баҳолаш усули қўлланилди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, уч боб, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилди, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети шакллантирилди.

Диссертациянинг биринчи бобида CAMEL рейтинг тизимининг вужудга келиши, унинг зарурияти ва асосий компонентлари мазмунан очиқ берилди.

Диссертациянинг иккинчи бобида CAMEL тизими асосида тижорат банклрини аудит қилиш масалалари таҳлил қилинди.

Диссертациянинг учинчи бобида банк аудитига CAMEL тизими тадбиқ этиш жараёнида юзага келадиган асосий муаммолар, уларни ҳал қилиш юзасидан илмий-амалий тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг хулоса қисмида диссертацияни бажариш жараёнида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган тақлифлар ҳамда тавсияларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топади.

Диссертация умумий ҳажми 85 бетдан иборат бўлиб, 11 та жадвал, 9 та расмни ўз ичига олган.

I БОБ. CAMEL ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, МОҲИЯТИ ВА БАНК АУДИТИДАГИ АҲАМИЯТИ

1.1. Банк назорати ва аудитида CAMEL тизимининг вужудга келиши.

Ҳар қандай давлатнинг пировард мақсади барқарор иқтисодий ўсишни, юқори бандликни, барқарор ички баҳоларнинг мавжудлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни орқали эришилади. Пул-кредит сиёсати, бюджет сиёсати, нарх-наво сиёсати, иш ҳақи ва бандлик сиёсати иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсати инфляцияни жиловлаш, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг олдини олиш, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини сақлаб туриш, фаол бозор конъюнктурасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган сиёсат ҳисобланади. Мазкур сиёсат барча давлатларда Марказий банк томонидан амалга оширилади. Айрим давлатларда у Миллий банк деб ҳам юритилади, Америка Қўшма штатлари (АҚШ) да эса Федерал Захира Тизими (Federal Reserve System) деб аталади.

Банк фаолияти барча мамлакатларда қатъий равишда тартибга солинади ва назорат қилинади. Зеро, банклар мамлакатдаги капитални сафарбар қилиш ва кредитлар тақдим этиш билан мамлакат молия тизимида фаол иштирок этади. Албатта, назоратнинг асосий мақсади аҳолини қолаверса, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдир.

АҚШда банклар фаолиятини тартибга солиш 2 та муҳим тамойилга асосланади:

1. Кредит институтларини барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг банкрот бўлишини олдини олиш (ушбу тамойилни амалга ошириш мақсадида юқори рискли банк операциялари бўйича турли чегаралар ўрнатилган. Бунга битта қарздор ёки ўзаро қарздорлар гуруҳига тўғри

келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражасини мисол қилиб келтириш мумкин).

2. Сармояларнинг камчилик банклар қўлида тўпланишини чеклаш ва пул бозорини монопол тарзда назорат қилинишига йўл қўймаслик. Ушбу тамойилга асосан банкларнинг бўлимларини очиш бўйича битта штат меъёрида чегаралар белгиланган ҳамда холдинг компанияларини ташкил этиш устидан Федерал Захира Тизими назорати жорий этилган.

Федерал Захира Тизими 1913 йилнинг 23 декабрида марказий банк функцияларини бажариш ҳамда АҚШ банк тизими устидан марказлаштирилган назоратни амалга ошириш мақсадида мустақил федерал агентлик шаклида ташкил топган. АҚШ нинг “Федерал захира тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши Федерал Захира Тизимининг юзага келишининг асоси ҳисобланади.

Федерал Захира Тизимининг асосий вазифлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- АҚШ марказий банки мажбуриятларини бажариш;
- Тижорат банклари манфаатлари ва умуммиллий манфаатлар ўртасида мувозанатни сақлаб туриш;
- Истеъмолчиларнинг кредит ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Пул эмиссиясини бошқариш (ишсизликни камайтириш, баҳолар барқарорлигини ушлаб туриш, мўтадил фоиз ставкаларини таъминлаш);
- Молиявий тизим барқарорлигини таъминлаш, молия бозоридаги тизимли рискларни назорат қилиш;
- Депозитарийларга, шу жумладан АҚШ ҳукумати ҳамда расмий халқаро ташкилотларга молиявий хизматларни тақдим этиш;
- Халқаро ва ички тўловлар тизими ишларини ташкиллаштиришда иштирок этиш;
- Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш;
- Ликвидлик билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида олдини олиш.

Қўшма штатларда Федерал Захира Тизимидан ташқари банк фаолияти тартибга солиш ва назорат қилишни бир-биридан мустақил яна 2 та агентлик олиб боради. Улар:

- Пул муомаласи назорати бошқармаси (Office of the Comptroller of the Currency);
- Депозитларни суғурталашни Федерал корпорацияси (Federal Deposit Insurance Corporation).

Пул муомаласи назорати бошқармаси АҚШ Молия вазирлиги таркибига кирувчи бошқарма бўлиб, миллий банклар фаолияти устидан назарот ўрнатади ва текширишлар ўтказди. Ушбу назорат органи 1863 йили “Миллий пул бирлиги тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан юзага келди. У федерал даражадаги барча юқори кредит инструментлари устидан кузатувни олиб боради.

1920-1930 йилларда минглаб кредит ташкилотларининг банкротликка учраши натижасида Депозитларни суғурталашни Федерал корпорацияси 1933 йилда Федерал ҳукуматнинг агенти сифатида ташкил қилинди. У ўзининг расмий фаолитини 1934 йил 1 январдан бошлаган. Шундан бери АҚШ тарихида бирорта ҳам омонатларини суғурталанган омонатчилари омонатларидан бир центни ҳам йўқотмаган. Депозитларни суғурталашни Федерал корпорациясининг асосий вазифаси омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Депозитларни суғурталашни Федерал корпорацияси АҚШ банк тизимида бўлган жамоат ишончини шакллантиришга ёрдам беради ва 250 000 АҚШ долларида кам бўлмаган банклардаги омонатларни суғурталаш мажбурияти олади. У омонатларни суғурталаш фонди ёрдамида рискларни аниқлайди, кузатади ҳамда уларни бартараф қилади, банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг банкротликка учраши натижасида юзага келган нохушликларни иқтисодиётда таъсирини камайитиришга ҳаракат қилади.

Ушбу 3 та назорат муассаларининг ҳар бири дастлаб банклар фаолиятини назорат қилишда ўзларининг алоҳида назорат тизимларидан фойдаланишган.

Ҳар бири ўзининг алоҳида назорат тизимига эга бўлган 3 та агентлик 1978 йилга келиб, бир неча хил рейтинг тизимларини стандартлаш га келишиб олдилар.

Шу боис, АҚШ Федерал Захира Тизими тижорат банкларини назорат қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиш бўйича CAMEL рейтинг тизимини ишлаб чиқди. CAMEL рейтинг тизимида банкларни гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганишнинг хусусиятлари мавжуд бўлиб, кучли рақобат шароитида банкнинг ўз мезонини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Америка Қўшма Штатларидаги назорат органларининг бирламчи вазифаси бўлиб, уларга ҳисобот топширувчи банкларни молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳисобланади:

- Банкка «рейтинг» бериш ёки баҳолаш ўтказишда стандартлаштирилган тизимни ишлатиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳар бир банк инспектори уни фақат битта нуқтаи назардан кўриб чиқишини таъминлайди;

- Ушбу тизим банкнинг молиявий ҳолатига нисбатан энг муҳим омилларини ҳисобга олишни талаб этади;

Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг дунёда энг кўп тарқалган ёндашувларидан бири CAMEL рейтинг тизими ҳисобланади. У ўзида банклар томонидан назорат органларига тақдим этилган маълумотлар асосида комплекс баҳолашни ифода этади. Ушбу методика бўйича таҳлилни амалга оширадиган шахс баъзи молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлилини батафсил ўрганиб чиқади.

Рейтинг тизимининг CAMEL деб ном олиши шундаки, у банк фаолиятидаги таҳлил қилинадиган компонентларнинг бош ҳарфидан ташкил топади. Яъни:

C – (Capital adequacy) Капитал етарлилиги;

A – (Assets quality) Активлар сифати;

M – (Menegment) Бошқарув қобилияти;

E – (Earning) Даромадлилик;

L – (Liquidity) Ликвидлилик компонентларидан иборат.

Бу тизим тижорат банклари фаолиятини баҳолашда содда ва тушунарли бўлиб, қисқа давр ичида жаҳонда банклар назорати амалиётида кенг қўлланила бошлади. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожланганлиги ҳамда бизнесда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги туфайли CAMEL назорат тизимига, 1997 йилдан бошлаб «S» ҳарфи қўшилди ва CAMEL'S деб ёзиладиган бўлди. CAMEL'S тизимининг сўнгги компоненти «S» (Sensitive to market risk) ҳарфи – бозор хатарлигига сузувчанликлик мезонини билдиради. Умуман олганда бу рейтинг тизими, тижорат банклари фаолияти натижаларини, мавжуд активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда муҳим бўлган умумий кўрсаткичларни ўз ичига олади.

CAMEL тизимини айрим компонентларини баҳолаш марказий банкка тақдим этилган ҳисобот маълумотлари бўйича амалга оширилиши мумкин, лекин уни бошқа компонентларини янада аниқроқ баҳолаш учун жойларда текширувларни олиб бориш талаб этилади. Шундай қилиб тижорат банкларини ушбу тизим асосида баҳолаш узлуксиз жараён ҳисобланади.

CAMEL рейтинг тизимининг якуний натижаси тижорат банкларнинг молиявий фаолияти тўғрисида банк бошқарув раҳбарияти ва банк назоратига маъсул ташкилотларни ҳаққоний, тўлиқ маълумотлар беради ҳамда тижорат банкининг иқтисодий ҳолати ҳақида ишончли ахборотлар билан таъминлашга ва улар иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилади. CAMEL рейтинг тизими орқали банклар фаолиятини таҳлил қилиш анча самарали бўлиб, банкларнинг рақобат шароитида инқирозга тушиб қолишини олдини олади.

АҚШ да 1978 йилдан қўлланила бошланган ушбу тизим кейинги даврда жахоннинг кўп мамлакатлар марказий банкларининг тижорат банкларини назорат қилишда интеграциялашуви имкониятини яратди. Японияда 1998 йилдан, Филиппинда 1999 йилдан, Хиндистонда 1998 йилдан, Сингапур ва барча Ислом давлатларида 1998 йилдан, собиқ иттифоқ мамлакатлари ҳисобланган Россия Федерацияси, Украина, Грузия, Қозоғистон, Польша, Чехия ҳамда Ўзбекистон Республикасида (1993 йилдан қисман яъни Ташқи Иқтисодиёт Фаолият «Миллий банк»ида) 1998 йилдан бошлаб тижорат банкларини масофадан туриб назорат қилиш тўлиқ CAMEL рейтинг тизими асосида олиб борилмоқда.

Хатто, жахондаги нуфузли Базел Қўмитаси ҳам ушбу тизим асосида тижорат банкларини назорат қилиш учун ўз тавсияларини ишлаб чиқди. Россия Федерациясининг Тижорат банклари раҳбарлари ушбу бизим бўйича қуйидаги фикрларни билдирган «...ҳалқаро банк амалиётида кредит ташкилотлари фаолиятининг натижавий ҳулосалари асосан бешта муҳим компонентлар—капитал етарлилиги, активлар сифати, банк даромадлилиги, ликвидлиги ва банк бошқаруви баҳоси кўрсаткичларининг умумий сифатлари билан белгиланади».³

Америкалик банк назорати мутахассислари CAMEL рейтинг тизими ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган:

- ♣ CAMEL банк фаолиятини белгиловчи оддий ва асосий омиллардан иборат тизим бўлиб, у банклар фаолиятининг кўрсаткичларини баҳолашда ишлатилади;

- ♣ CAMEL тизими банк назоратини тўлақонли ёритишга боғланган бўлиб, у ўзидан банк ҳақида фикр юритиш ва ақл билан иш олиб боришни талаб қилади;

- ♣ Аниқ тушунарли рейтинг тизими ҳар бир марказий банк (ёки назорат муассасаси) да бошқарма бошлиқларидан, оддий иқтисодчи ёки

³ Комисаров Г.П. Тижорат банклар фаолиятини бошқариш. //Вестник банковского дела №1. Россия. 2004 январь 59 б.

янги ишчиларга ҳам банкларнинг рейтинг баҳоларига қараб уларни молиявий ҳолатини осон тушунишга имкон яратади.⁴

Америка Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк назоратини такомиллаштириш бўйича лойиҳа менежери Терри Страуднинг фикрига кўра “Банк тизимининг барқарорлиги кўп жихатдан уни назорат этиш тизимининг ривожланганлик даражасига, унинг мавжуд ҳамда ғавқулоддаги муаммоларини аниқлаш ва уларни ечиш қобилиятига боғлиқ. Назорат муассасаларининг асосий вазифаси банк таваккалчилигини аниқлаш ва баҳолашдир. Уни амалга оширишда қуйидаги унсурлар муҳим ҳисобланади:

- жойларда назорат қилишнинг самарадорлиги;
- масофадан туриб назорат қилиш самарадорлиги;
- қонуний инфратузилманинг мавжудлиги, шу жумладан, муаммоли банкларга бўлган талаблар;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими;
- марказий банкнинг банк назорати хизмати ходимларининг малакаларидир.”⁵

Г.С.Панова CAMEL рейтинг тизими ҳақида ўз фикрини қуйидагича асослайди:

“Банк барқарорлигининг ҳар бир омиллари бўйича рейтингни аниқлашда алоҳида натижа базалари бор:

а) биринчидан капитал етарлилиги, банк активларининг сифати ва даромадлилиги бўйича ёмон ҳолат 5 балли тизимда белгиланади;

б) иккинчидан ликвидлик асосий муҳим кўрсаткич таҳлил динамикаси кўрсаткичларига мувофиқ:

в) учинчи томондан (менежмент) аниқ ва ўз сиёсатини бажаришдир”⁶

⁴ USAID - CAMEL тизими бўйича маълумот. /1998 йил ЎзР. Марказий банки, 8-б.

⁵ Терри Страуд. Банк назорати.// Бозор, пул ва кредит журнали, 1999 йил 9-сони, 12-бет.

⁶ Панова Г.С. Финансовой анализ состояния коммерческого банка. -М. Дело и Сервис, 2006. 214-б.

Ушбу тизим ҳақида Ш.З.Абдуллаева ўз фикрини қуйидагича баён этади:

“Таклиф этилаётган банк рейтинглари унсурларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Банкни тузилиш жihatдан белгиловчи кўрсаткичлар (муассислар, мавжуд бўлиш муддати ва валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензиянинг мавжудлиги ва у олингандан буён ўтган муддат, устав фондининг расмий миқдори ва бошқалар);

2. Баланс маълумотлари ва хосила катталикларга асосланган сифат кўрсаткичлари;

3. Банк кўрсаткичлари (имиджи, реклама сифати, тарихи ва бошқалар) баҳоси.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлари, маъносининг аниқлиги ва изохнинг бир хиллигидан равшан кўриниб турибдики, улар ҳар бир рейтингда деярли бир хил салмоққа эгадир ва чеклов белгилари бўйича олдиндан тахминий саралаш учун қўлланилади.

Иккинчи гуруҳ кўрсаткичларини танлаш моҳият эътибори билан усул муаллифлари соҳасини белгилайди ва якуний баҳолашга асосий қисмини қўшади. Айни шу ерда ёндашувлардаги тафовутлар кўпроқ намоён бўлади.

Учинчи гуруҳ кўрсаткичлари одатда, банклар фаолиятини баҳолаш натижаларига катта таъсир кўрсатмайди”.⁷

Келтирилган фикр ўз мазмунида тижорат банкларини жойлардаги текшируви ҳамда масофадан туриб текширув назорати вазифаси остида қаралган.

Таклиф этилаётган CAMEL рейтинг тизимининг назорат тизими унсурларини 2 гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:

⁷ Абдуллаева Ш.З. CAMEL – банк фаолиятини баҳолаш хизматида. // Бозор, пул ва кредит журнали, 1998 йил 4-сон 49-бет.

Биринчи гуруҳ банкларни рейтинг балларини белгилаш билан бирга банкларнинг очик бозор иқтисодиётида фавқулодда хатарларга нисбатан ички имкониятини белгилаш;

Иккинчи гуруҳ банкларни молиявий фаолияти ҳақида банк миждозларини тўлиқ ахборотлар билан таъминлаш.

Биринчи гуруҳ фикри мазмунида унинг мохиятидан келиб чиқиб тижорат банклар назоратида, энг аввало, мазкур банк рейтинги унсурлари бевосита молиявий таҳлил этилади ҳамда мазмунан баҳоланади. Баҳо натижаси банкни иқтисодий характеристикасини белгилайди ва нихоят банкнинг иқтисодий ҳолатига, агар, керак бўлса, маслаҳатлар ёки фавқулоддаги хатарлар олдини олиш имкониятларини беради.

Иккинчи гуруҳдаги банкларда CAMEL асосида аудит ўтказилиши банк раҳбарияти ва банк миждозларини банкнинг иқтисодий ҳолати ҳақида ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги фикрларнинг бир-бирига боғлиқлигини қуйидаги содда чизма орқали изоҳлаш мумкин:



1.1.1-расм. CAMEL тизимида банк назорати ва аудити ўтказишнинг боғлиқлик омиллари⁸

⁸ М.К. Эрматов. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, банкларни макроиктисодий кузатувда икки назорат муассасасини бир тизим асосида иқтисодий таҳлил этишда:

Биринчидан, икки тизим текшируви тижорат банкларини интеграцияшувига олиб келади;

Иккинчидан, бу икки муассаса текширув давомида бир-бирларининг камчиликларини тўлдириб боради ва умумий хулосаларни таҳлил этиш мумкин бўлади.

CAMEL рейтинг тизимининг яна бир асосий жиҳати қуйидагиларда кўринади:

1. CAMEL тизими, кўпроқ масофавий назоратга асосланган европача усулдан фарқли ўлароқ, жойида текширишга асосланган бўлганлиги сабабли, банкларни ташқи аудит қилишда жуда қўл келади.

2. Мазкур тизим АҚШ тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда қўлланиладиган андозалашган рейтинг тизими бўлиб, аниқ ва мукамал бўлганлиги сабабли, фойдаланиш учун қулайдир.

3. Ушбу тизим орқали тижорат банклари молиявий мустахкамлигининг асосий компонентлари: банк капиталининг етарлилиги, активлар сифати, бошқарув қобиляти, даромадлилиги ва ликвидлигини таҳлил этиш натижасида, банкнинг молиявий мустақиллигини ҳар томонлама тўлақонли таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин.

Албатта, бу категория кўринишида банкларни ўрганиш ўзига хос хусусиятларни белгилайди:

Биринчидан, банкларнинг энг йирик, йирик, ўрта ва кичик банклар чегарасини аниқлаб, маълум бир тоифаларга ажратиб беради:

Иккинчидан банклар кетма-кетлигини рейтинг баллари асосида белгилаб, уларни бозор шароитидаги рақобатбардошлилигини аниқлашга ёрдам беради.

1.2. Тижорат банклари аудитида CAMEL тизимининг баҳолаш мезонлари

Тижорат банкларининг фаолиятини назорат қилиш ва аудитдан ўтказиш ўта масъулиятли, қийин ва серқирра жараён ҳисобланади. Тижорат банкларининг аудит натижалари унинг келажақдаги иқтисодий тараққиётини белгилайди. Шундай экан фақатгина банкнинг баланс таҳлилини ўрганиб қолмасдан балки, банкнинг бошқа ҳисобот материалларини, жумладан, ресурс базаси, конъюнктураси, кредит портфели, даромадлилик даражаси ва бошқа бир неча омилларнинг таҳлили асосида банк фаолиятини ўрганиш ва уни аудитдан ўтказиш мумкин. Бу кўрсаткичларни баҳолашда рейтинг балларини белгилаб, шу асосда унинг аудитини амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланди. Буни амалга оширишда CAMEL тизими жуда қўл келади.

Аудиторлар CAMEL тизими компонентлари асосида баҳолаш ўтказганидан сўнг, банкка умумий хулоса бериш мумкин.

- ҳар бир компонент бўйича 1 “кучли” дан 5 “қониқарсиз” гача баҳолар берилади.

- ҳар бир компонент бўйича баллар йиғиндиси олинади ва CAMEL тизими бўйича умумий баҳони бериш учун уларнинг ўртача қиймати топилади.

- умумий баҳо банкнинг молиявий ҳолати кучли, қониқарли, ўртача, танқидий ёки қониқарсиз эканлигини кўрсатиб беради.

Шунингдек, умумий баҳо CAMEL тизими асосида аудит ўтказилаётган банкка нисбатан аудиторлар томонидан келажақда қандай ҳажм ва миқдорда чора-тадбирлар ёки ҳаракатлар кўриш кераклиги тўғрисида тавсиялар беради.

Энди CAMEL тизими компонентларининг рейтинглаш мезонларини кўриб чиқсак.

Банк капиталини баҳолашда активлар сифати катта ўрин тутади. Агар банк капиталининг ҳажми катта бўлса ҳам, активларининг сифати қониқарли бўлмаса, банк кучли ҳисобланмайди. Жами капитал, асосий капитал ва активлар сифати коэффиценти ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятини баҳолашнинг рейтинги 2-жадвалда келтирилади:

1.2.1-жадвал

Капитал етарлилигини баҳолаш⁹

Рей- тинг	Асосий капитал етарлилиги коэффиценти	Жами капитал етарлилиги коэффиценти	Чекловлар
1	4,0% дан анча юқори	8,0% дан анча юқори	Активлар сифати 2 дан кам бўлмаслиги, ялпи риск коэффиценти 11% дан катта бўлмаслиги керак
2	4,0% дан бир мунча юқори	8,0% дан бир мунча юқори	Активлар сифати 3 дан кам бўлмаслиги, ялпи риск коэффиценти чегараланмаган.
3	4,0% га тенг	8,0% га тенг	Активлар сифати 4 дан кам эмас, ялпи риск коэффи- циенти чегараланмаган.
4	4,0% дан бир мунча паст	8,0% дан бир мунча паст	Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира дастлабки капиталдан ортиқ.
5	4,0% дан анча кам	8,0% дан анча кам	Кўрилаган зарарлар классификацияси дастлабки капиталдан ортиқ.

Жадвалдан шуни айтиш мумкинки банкларнинг капитали етарлилигидан ташқари уларнинг активлари ҳам банкларнинг капитали бўйича рейтингини аниқлашда эътибор қаратилади.

Кучли рейтинги капитал ўлчами 1 гуруҳ нормативларга тўғри келадиган ва активлари аъло ёки яхши деб баҳоланган банкларга берилади.

⁹ “Управление деятельностью коммерческого банка” (Банковский менеджмент) / Под редакцией О.И.Лаврушина . Москва. Юристъ 2013 год.

Қониқарли рейтингі капитал етарлилик даражаси 2 гуруҳ нормативларга тўғри келадиган ва активлар сифати 3 дан кам бўлмаган банкларга берилади.

Ўртача рейтингі капитал етарлилик даражаси 3 гуруҳ нормативларга тўғри келадиган ва активлар сифати 4 дан кам бўлмаган банкларга берилади.

Муаммоли ёки танқидий рейтингі умумий капиталнинг етарлилиги 8% дан бир мунча кам қийматга эга бўлса ва банк активлари сифати паст бўлса, банк активлари бўйича йўқотишлар акционер капиталга зиён келтириши мумкин бўлган банкларга берилади.

Қониқарсиз рейтингі капитал етарлилик даражаси минимал меъёрдан кичик бўлса ва активлари йўқотишлар каби классификация қилиниб, акционер капиталига зарар келтираётган банкларга берилади.

Активлар сифати

Рейтинг 1 - Кучли

- Аудит натижалари бўйича яратиши тавсия қилинган еҳтимолий йўқотишлар заҳираси банк асосий капиталининг 5 фоизидан паст;
- Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг улуши 75 фоиздан юқори;
- Банкнинг муаммоли (тўлиқ ёки қисман муддати ўтган активлари + таъминотсиз, ҳужжациз жойлаштирилган активлар + ўстирмаслик мақоми берилган активлар ва ҳоказо) активлари мавжуд емас;
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга оширишда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий талабларига тўлиқ риоя қилинган;
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча сиёсатлар ва процедуралар ишлаб чиқилган, банк бўлинмалари ва қўмиталари ўртасида ваколатлар тақсимланган.

Рейтинг 2 – Қониқарли

- Аудит давомида яратилиши тавсия қилинган еҳтимолий йўқотишлар заҳиралари суммаси банк I даражали капиталининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил қилади;
- Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар 65 фоиздан 75 фоизгача ташкил қилади;
- Аудит натижалари бўйича муаммоли кредитлар ҳажми банк жами капиталининг 10 фоизидан паст;
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга оширишда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий талабларига тўлиқ риоя қилинган;
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча сиёсатлар ва процедуралар ишлаб чиқилган.

Рейтинг 3 – Ўртача

- Аудит давомида яратилиши тавсия қилинган еҳтимолий йўқотишлар заҳиралари суммаси банк I даражали капиталининг 15 фоизидан 30фоиз игача ташкил этади;
- Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар 50 фоиздан 65 фоизгача ташкил қилади;
- Аудит натижалари бўйича банкнинг муаммоли кредитлари ҳажми банк регулятив капиталининг 10 фоизидан 15 фоизигача ташкил қилади;
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга оширишда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий талабларининг кўпи билан 2 тасига амал қилинмаган;
- Банк томонида актив амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча сиёсатлар ва процедуралар ишлаб чиқилган.

Рейтинг 4 – Муаммоли

- Аудит давомида яратилиши тавсия қилинган еҳтимолий йўқотишлар заҳиралари суммаси банк I даражали капиталининг 30 фоизидан 50 фоизигача ташкил этади;
- Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар 50 фоиздан паст;
- Аудит натижалари бўйича банкнинг муаммоли кредитлари ҳажми банк регулятив капиталининг 15 фоизидан 30 фоизигача ташкил қилади;
- Банк томонидан сурункали равишда акциядорлар, Марказий банк ва бошқа манфъадор шахсларга тақдим қилинган ҳисоботларда активлар сифати ҳаққоний акс эттирилмаган.
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган сиёсатлар ва процедуралар етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Рейтинг 5 – Қониқарсиз

- Аудит давомида яратилиши тавсия қилинган еҳтимолий йўқотишлар заҳиралари суммаси банк I даражали капиталининг 50 фоизидан юқори;
- Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар 50 фоизидан паст;
- натижалари бўйича банкнинг муаммоли кредитлари ҳажми банк регулятив капиталининг 30 фоизидан юқори;
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга оширишда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий талабларининг 3 та ва ундан кўп ҳолатларда амал қилинмаган;
- Банк томонидан актив амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган сиёсатлар ва процедуралар етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Бошқарув қобилияти

Рейтинг 1 – Кучли

- CAMEL тизимининг бошқа компонентлари кучли баҳоланган;
- Банк томонидан амалдаги қонунчиликка тўлиқ амал қилинган;
- Ички сиёсатларнинг талаб даражасида ишлаб чиқилган ва уларга тўлиқ амал қилинган;
- Банк бошқарув органлари ўртасида ҳамжиҳатлик мавжуд, ваколатлар тақсимланган;
- Банк томонидан Марказий банк ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг талаб ва тавсияларига тўлиқ амал қилинади;
- Банк томонидан бошқармалар, бўлинмалар ва филиаллар томонидан йўл қўйилган камчиликларга адекват чоралар кўрилган бўлиб, ушбу камчиликларга бошқа йўл қўйилмаган;

Рейтинг 2 – Қониқарли

- CAMEL тизими компонентларининг аксарияти қониқарли деб баҳоланган, муаммоли ёки қониқарсиз баҳоланган компонентлар мавжуд эмас;
- Банк томонидан амалдаги қонунчиликка тўлиқ амал қилинган;
- Ички сиёсатларнинг талаб даражасида ишлаб чиқилган ва уларга асосан амал қилинади;
- Банк томонидан Марказий банк ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг талаб ва тавсияларига тўлиқ амал қилинади;
- Банк томонидан бошқармалар, бўлинмалар ва филиаллар томонидан йўл қўйилган камчиликларга адекват чоралар кўрилган бўлиб, ушбу камчиликларга бошқа йўл қўйилмаган;

Рейтинг 3 – Ўртача

- CAMEL тизими компонентларининг кўпи қониқарли баҳоланган, қониқарсиз баҳоланган компонентлар мавжуд эмас;
- Банк томонидан амалдаги қонунчиликка асосан амал қилинади;

- Ички сиёсатлар ва уларга амал қилиш янада мукаммаллаштирилиши лозим;
- Банк томонидан Марказий банк ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг талаб ва тавсияларига асосан амал қилинган;
- Банк томонидан бошқармалар, бўлинмалар ва филиаллар томонидан йўл қўйилган камчиликлар таъкидланган, лекин ушбу камчиликларга ҳанузгача йўл қўйилиб келинмокда;

Рейтинг 4 – Муаммоли

- CAMEL тизими компонентларининг кўпи ўрта ёки муаммоли баҳоланган;
- Банк томонидан амалдаги қонунчиликка асосан амал қилинади, қонунчиликни қўпол бузиш ҳоллари мавжуд эмас;
- Ички сиёсатлар ишлаб чиқарилган, аммо уларга тўлиқ, амал қилинмаган ёки улар самарасиз;
- Банк томонидан Марказий банк ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг талаб ва тавсияларига амал қилинмаган;
- Банк томонидан бошқармалар, бўлинмалар ва филиаллар томонидан йўл қўйилган камчиликларга эътибор берилмаган, ушбу камчиликларга ҳанузгача йўл қўйилиб келинмокда;

Рейтинг 5 – Қониқарсиз

- CAMEL тизими бошқа компонентлари муаммоли ёки қониқарсиз деб баҳоланган;
- Банк томонидан амалдаги қонунчиликка асосан амал қилинади, қонунчиликни қўпол бузиш ҳоллари мавжуд;
- Ички сиёсатларнинг айримлари ишлаб чиқилмаган, ишлаб чиқилган сиёсатларга эса амал қилинмаган;
- Банкда фирибгарлик ҳолатлари мавжуд бўлиб, банк бошқаруви органларида ушбу ҳолатлар ўзок вақтдан буён такрорланмокда;

- Банк бошқаруви органлари томонидан Марказий банк ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг талаб ва тавсияларига амал қилинмаган;
- Банк бошқаруви органлари томонидан бошқармалар, бўлинмалар ва филиаллар томонидан йўл қўйилган камчиликларга эътибор берилмаган, ушбу камчиликларга ҳанузгача йўл қўйилиб келинмоқда, уларга банк бошқарувида бўйсунувчи бўлинмалар фаолиятида ҳам йўл қўйилган.

Даромадлилик

Рейтинг 1 – Кучли

- Аудит натижалари бўйича банкнинг соф фойдаси унинг капитали ўсишини таъминлашга етарли;
- Банкнинг бизнес режасида даромад ва соф фойда бўйича жорий йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш режалаштирилган, даромад ва соф фойда бўйича режа кўрсаткичлари ҳақиқатда бажарилган;
- Банкнинг даромадлари, активлари ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари ўз гуруҳига кирувчи банклар кўрсаткичларидан юқори, унинг кўрсаткичлари биринчи учта банк кўрсаткичларидан паст эмас;
- Банк томонидан даромадлар ва харажатлар ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва реал акс эттирилган активлар бўйича еҳтимолий йўқотишларга қарши заҳиралар етарли шакллантирилган, ҳисобланган фоизлар таркибидан ундириш еҳтимоли нолга тенг бўлганлари мавжуд эмас.

Рейтинг 2 – Қониқарли

- Аудит натижалари бўйича банкнинг соф фойдаси унинг капитали ўсишини таъминлашга етарли;
- Банкнинг бизнес режасида даромад ва соф фонда бўйича жорий йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш режалаштирилган, даромад ва соф фондлар бўйича режа кўрсаткичлари ҳақиқатда бажарилган;

- Банкнинг даромадлари, активлари, капитали ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари доимий ўсишда (охирги 3 йил учун ҳар ярим йиллик интервалда кўрилиши лозим);
 - Банкнинг даромадлари, активлари, капитали ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари ўз гуруҳининг биринчи тўртлигига кирувчи банклар кўрсаткичлари доирасида;
 - Банк томонидан даромадлар ва харажатлар ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва реал акс эттирилган, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар етарли даражада шакллантирилган, ҳисобланган фоизлар таркибидан ундириш эҳтимоли нолга тенг бўлганлари мавжуд эмас;
 - Банк томонидан молиявий ҳисоботларда зарарларни акс эттирмаслик мақсадида даромадларни сунъий ошириб кўрсатиш ёки харажатларни сунъий камайтириш ҳолатларига йўл қўйилмаган;
- Рейтинг 3 – Ўртача
- Аудит натижалари бўйича банкнинг кам бўлсада, соф фойдага эришилганлиги аниқланган;
 - Банкнинг бизнес режасида даромад ва соф фойда бўйича жорий йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш режалаштирилган, жами даромад ва соф фойда бўйича режа кўрсаткичлари 90фоиздан кам бўлмаган миқдорда бажарилган;
 - Банкнинг даромадлари, активлари, капитали ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари охириги 2 йилда ўсишда бўлиб, фақатгина жорий йилда аввалги йилга нисбатан пасайган; ушбу пасайиш бозордаги конъюнктура сабабли юз берган бўлиб, банк ушбу ўзгаришга мослашиш бўйича адекват чора - тадбирлар ишлаб чиқилган;
 - Банкнинг даромадлари, активлари, капитали ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари ўз гуруҳининг иккинчи тўртлигига кирувчи банклар кўрсаткичлари доирасида;

- Банк томонидан даромадларнинг ошириб ва харажатларнинг пасайтириб кўрсатиш ҳолатларига йўл қўйилган, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантирилган захиралар етарли эмас, ҳисобланган фоизлар таркибидан ундириш эҳтимоли нолга тенг бўлганлари мавжуд, аммо ушбу ҳолатларни банкнинг зарарларини сунъий камайтиришга интилиш сифатида баҳолаб бўлмайди;

Рейтинг 4 – Муаммоли

- Аудит натижалари бўйича банкнинг фаолияти зарар билан якунланганлиги аниқланган;
- Банкнинг бизнес режасида даромад ва соф фойда бўйича жорий йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш режалаштирилган, аммо ушбу режалар 90 фоиздан паст миқдорда бажарилган;
- Банкнинг даромадлари, активлари, капитали ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари охириги 2 йилда ўсишда бўлиб, жорий йилда аввалги йилган нисбатан пасайган; ушбу пасайиш бозордаги конъюнктура сабабли пасайган бўлиб, банк ушбу ўзгаришларга мослашиш бўйича чора - тадбирлар ишлаб чиқмаган; банкнинг рентабеллик кўрсаткичлари ўз гуруҳдаинг учинчи тўртлигига кирувчи банклар кўрсаткичлари доирасида;
- Банк томонидан активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар етарли даражада шакллантирилмаган, ҳисобланган фоизлар таркибида ундириш эҳтимоли нолга тенг бўлганларининг ҳиссаси катта (умумий ҳисобланган фоизларнинг 20 фоиздан кўп);
- Банк томонидан зарарларни коплаш ва капитални ўстириш учун етарли соф фойда олиш даражасига чиқиш учун чора - тадбирлар ишлаб чиқдлган, аммо уларнинг ижроси таъминланмаган;

Рейтинг 5 – Қониқарсиз

- Аудит натижалари бўйича банкнинг фаолияти зарар билан якунланганлиги аниқланган;

- Банкнинг бизнес режасида даромад ва соф фойда бўйича жорий йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш режалаштирилган, аммо ушбу режалар 90 фоиздан паст миқдорда бажарилган;
- Банкнинг даромадлари, активлари, капитали ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари аввалги йилларга нисбатан пасайишда;
- Банкнинг даромадлари, активлари, капитали ва бошқа рентабеллик кўрсаткичлари ўз гуруҳининг охирги тўртлигига кирувчи банклар кўрсаткичлари доирасида;
- Банк томонидан активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар етарли даражада шакллантирилмаган, ҳисобланган фоизлар таркибида ундириш эҳтимоли нолга тенг бўлганларининг ҳиссаси катта бўлиб, ушбу ҳолатларни банкнинг зарарларини сунъий камайтиришга интилиш сифатида баҳолаш мумкин;
- Банк томонидан зарарларни коплаш ва капитални ўстириш учун етарли соф фойда олиш даражасига чиқиш учун етарли ишлар олиб борилмаган, чора - тадбирлар ишлаб чиқилмаган;

Ликвидлик

Рейтинг 1 – Кучли

- Банкнинг ликвидлик кўрсаткичи ўз гуруҳига кирувчи банклар ичида энг юқори;
- Банкнинг 1 йилдан узоқроқ, муддатга жалб қилинган депозитлари суммаси жами мажбуриятларининг 30 фоизидан ортиқ;
- Банкда активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликни кўзатиш имкониятини берувчи дастурий таъминотлар мавжуд ва улардан фойдаланилади;

Рейтинг 2 – Қониқарли

- Банкнинг ликвидлик кўрсаткичи меъёрий талабга жавоб беради ёки банкнинг ликвидлик кўрсаткичи меъёрий талабдан 1,5 мартадан юқори;

- Банкнинг ликвидлик кўрсаткичи ўз гуруҳига кирувчи банклар ичида юқори;
- Банкнинг 1 йилдан узоқ муддатга жалб қилинган депозитлари суммаси жами мажбуриятларининг 30 фоизидан ортиқ;
- Банкда активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликни кўзатиш имкониятини берувчи дастурий таъминотлар мавжуд ва улардан фойдаланилади;

Рейтинг 3 - Ўртача

- Банкнинг ликвидлик кўрсаткичи айти пайтда меъёрий талабга жавоб беради, аммо вақти - вақти билан ушбу меъёрий талабга риоя қилинмаслик ҳолатлари мавжуд;
- Банк ликвидлик кўрсаткичи билан ўз гуруҳда кирувчи банкларнинг биринчи ярмига киради;
- Банкнинг 1 йилдан узоқроқ муддатга жалб қилинган депозитлари суммаси жами мажбуриятларининг 20 фоизидан ортиқ;
- Банкда активлар ва мажбуриятлар Ўртасидаги мутаносибликни кўзатиш имкониятини берувчи дастурий таъминотлар мавжуд ва улардан фойдаланилади;

Рейтинг 4 – Муаммоли

- Банкнинг ликвидлик кўрсаткичи меъёрий талабга жавоб бермайди;
- Банк жами мажбуриятлари таркибида муддатсиз (талаб қилингунча мажбуриятлар) ҳиссаси 60 фоиздан ортиқ;
- Банк жами мажбуриятларининг 25 фоизидан 50 фоизигача бўлган қисми бир ёки ўзаро дахлдор шахслар гуруҳидан жалб қилинган маблашардан иборат;
- Банкда активлар ва мажбуриятлар Ўртасидаги мутаносибликни кўзатиш имкониятини берувчи дастурий таъминотлар мавжуд бўлсада, улардан фойдаланилмайди.

Рейтинг 5 – Қониқарсиз

- Банкнинг ликвид активлари ўз мажбуриятларини бажариш учун яккол етишмайди;
- Банк ва унинг филиаллари томонидан мижозларининг тўлов ҳужжатларини ижро этмаслик ҳоллари мавжуд;
- Банкнинг жами мажбуриятлари таркибида муддатсиз (талаб қилингунча мажбуриятлар) ҳиссаси 80 фоиздан ортиқ;
- Банк жами мажбуриятларининг 50 фоизидан ортиқ қисми бир ёки ўзаро дахддор шахслар гуруҳидан жалб қилинган маблағлардан иборат;
- Банкнинг ликвидлик кўрсаткичи ўз гуруҳига кирувчи банклар ичида охириги ўринларни эгаллайди.

Банкнинг умумий рейтинги ҳар бир компонентларга қўйилган рейтинглар йиғиндисини компонентлар сонига бўлиш натижасида аниқланади. Бунда натижа:

1,0 - 1,5 1 гача яхлитланади ва банк кучли рейтингни олади.

1,6 - 2,5 2 гача яхлитланади ва банк қоникарли рейтингни олади.

2,6 - 3,5 3 гача яхлитланади ва банк ўртача рейтингни олади.

3,6 - 4,5 4 гача яхлитланади ва банк танқидий рейтингни олади.

4,6 - 5,0 5 гача яхлитланади ва банк қоникарсиз рейтингни олади.

1 рейтинг билан баҳоланган банклар:

- молиявий ҳолати барча аспектлар бўйича мустахкам ҳисобланади;
- молиявий ҳолати иқтисодиётда мавжуд бўлган ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга бардош бера олади;
- молиявий ҳолати назорат қилувчи идораларда хавотир уйғотмайди;
- аниқланган камчиликлар аҳамияти паст бўлиб, жорий иш фаолияти давомида бартараф қилиниши мумкин.

2 рейтинг билан баҳоланган банклар:

- молиявий ҳолати асосий аспектлар бўйича кучли ҳисобланади; молиявий ҳолатининг кучлилиги иқтисодда мавжуд бўлган ва юзага

келиши мумкин бўлган муаммоларга умуман олганда бебардош, аммо банк айрим иқтисодий конъюнктура ва банк сектори фаолиятига мослашиши лозим;

- молиявий ҳолати бўйича юзага келган назорат қилувчи органларнинг хавотирлари банк бошқаруви томонидан қийинчиликларсиз тузатилиши мумкин;
- аниқланган камчиликлар аҳамияти паст бўлиб, жорий иш фаолияти давомида бартараф қилиниши мумкин;
3 рейтинг билан баҳоланган банклар:
- молиявий ва операцион жихатдан заиф, амалдаги бир катор меъёрий ва қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига йўл қўйилган;
- молиявий ҳолати, иқтисодий конъюнктура ўзгармас ёки ёмонлашиши мумкин бўлса, тобора ёмонлашиб бориш тенденциясига эга;
- юзага келган ҳолатни қатъий чоралар қабул қилинмасдан тузатиш имконияти мавжуд эмас;
- молиявий ҳолати назорат қилувчи органларнинг жиддий хавотирларига сабаб бўлмокда.
4 рейтинг билан баҳоланган банклар:
- молиявий фаолиятида бир катор сезиларли камчиликларга йўл қўйилган; ўз вақтида ва тегишли тарзда бартараф қилинмаётган барқарор бўлмаган ҳолат аломатларини намоён қилмокда;
- амалдаги вазиятни бартараф қилиш бўйича қатъий чоралар кўрилмаса, банкнинг келажакдаги фаолият юритилиши мумкин бўлмай қолади; яқин истиқболда касот бўлиш мумкинлигани тасдиқловчи аломатлар мавжуд;
- назорат қилувчи идораларнинг қатъий назорати остига тушган бўлиб, фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ваколатли назорат қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқилган ҳаракатлар режаси асосида фаолият юритиши лозим.

5 рейтинг билан баҳоланган банклар:

- яқин вақтда касот бўлишнинг эҳтимоли юқори; молиявий ҳолати ўта оғирлиги, мавжуд камчиликларнинг ўта жиддийлиги зудли билан акциядорлардан ёки бошқалардан молиявий ёрдам олишга мухтож;
- амалдаги ҳолатни бартараф қилиш бўйича зудлик билан чоралар ишлаб чиқиши ва молиявий ёрдам олиниши лозим, ёки банкнинг бошқа банкга қўшиш, бошқа банкка сотиш ёки тугатиш жараёнини бошланиши керак.

I боб бўйича хулоса

Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг дунёда энг кўп тарқалган ёндашувларидан бири CAMEL рейтинг тизими ҳисобланади.

CAMEL рейтинг тизимининг якуний натижаси тижорат банкларнинг молиявий фаолияти тўғрисида банк бошқарув раҳбарияти ва банк назоратига маъсул ташкилотларни ҳаққоний, тўлиқ маълумотлар беради ҳамда тижорат банкининг иқтисодий ҳолати ҳақида ишончли ахборотлар билан таъминлашга ва улар иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

CAMEL тизими компонентлари асосида баҳолаш ўтказилганидан сўнг, банкка умумий хулоса берилади. Ҳар бир компонент бўйича 1 “кучли” дан 5 “қониқарсиз” гача баҳолар берилади ҳамда берилган баҳолар йиғиндиси олинади ва CAMEL тизими бўйича умумий баҳони бериш учун уларнинг ўртача қиймати топилади. Умумий баҳо банкнинг молиявий ҳолати кучли, қониқарли, ўртача, танқидий ёки қониқарсиз эканлигини кўрсатиб беради.

Шунингдек, умумий баҳо CAMEL тизими асосида аудит ўтказилаётган банкка нисбатан аудиторлар томонидан келажакда қандай ҳажм ва миқдорда чора-тадбирлар ёки ҳаракатлар кўриш кераклиги тўғрисида тавсиялар беради.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА CAMEL ТИЗИМИ АСОСИДА БАНК АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. CAMEL тизими бўйича тижорат банклари капитали ва активларининг аудити

Банк назорати органлари ҳамда банк аудити ходимларининг биринчи навбатдаги вазифаси ўзлари маъсул бўлган банкларга хулоса бериш, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил этиш ҳамда унга ҳолисона баҳо беришдан иборатдир. Банкка баҳо бериш ҳамда унинг рейтингини аниқлашда барча банк назоратчилари ҳамда аудиторлар томонидан бир хил қабул қилинган ягона стандартлаштирилган тизимдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд тизим банкнинг барча молиявий жихатларни қамраб олиши, ҳаммабоп ҳамда тушунарли бўлиши зарур ҳисобланади. CAMEL тизими эса банк барқарорлиги баҳоловчи барча молиявий жихатларни қамраб оладиган ана шундай тизим ҳисобланади.

Ҳар қандай банк тизимининг барқарорлигини, тўловга қобиллиги ва ишончлилигини таъминлашда, банк активларини ўстиришда банк капитали муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фақатгина етарлича миқдорда барқарор капиталга эга тижорат банклари актив операцияларини эркин амалга оширишлари, талаб этилган даражада ликвидликни доимо сақлаган ҳолда самарали фаолият юритишлари ҳамда молия бозорларига эркин чиқиш имкониятига эга бўлишади. Шу билан бир қаторда мустаҳкам базага эга банк капитали бўлиши кутилаётган ва олдиндан билиб бўлмайдиган рискларни олдини олиш, улар таъсирини камайтириш учун хизмат қилади. Шунинг учун банк капиталини сифат ва миқдор жихатдан аудитдан ўқазиш муҳим аҳамият касб этади.

CAMEL тизимининг илк компоненти **C** – Capital adequacy - **капитал етарлилигидир**. CAMEL тизимида аудитор текширувни тижорат банкининг таъсис ҳужжатларини ўрганишдан ва унинг устав

капиталини шакллантирилиш тўғрилигини, капитал таркибини ҳамда назорат органлари томонидан ўрнатилаган капитал етарлилиги меъёрларига амал қилинишини текширишдан бошлайди. Бунда банк капиталининг икки томонини, яъни статик ҳамда динамик томонини кўрсатиб ўтиш керак.

Капитал етарлилик даражасининг статик қиррасини жуда оддий тушунтирса бўлади. Бунга асосан Марказий банклар томонидан янги очилаётган тижорат банкларнинг устав капиталига нисбатан минимал талаблар ўрнатилади. Амалда фаолият кўрсатаётган банкларга эса капиталнинг етмаган қисмини тўлдириш учун маълум вақт берилади. Хусусан республикамиз тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдориغا Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қуйидаги талаблар ўрнатилган:

2.1.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдориغا қўйиладиган талаблар¹⁰


Давр	Тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида банклар учун	Хусусий тижорат банклари учун
2005 йил 1 июльдан	3 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2006 йил 1 январдан	4 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	2 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2007 йил 1 январдан	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида		2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2010 йил 1 январдан	10 млн. евро эквивалентида		5 млн. евро эквивалентида

¹⁰ “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низом (Янги тахрирда) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 26.04.2000 й. № 420

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Марказий банк томонидан республикаимиз тижорат банкларининг устав капитал ҳажмининг минимал миқдорида бўлган талаблар йиллар давомида узлуксиз ошириб борилган. Банк капитали ҳажмининг узлуксиз ошириб борилиши банкларинг жаҳон молия бозоридаги нуфузини оширишга, қолаверса аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада орттиришга хизмат қилади.

Банк капитали ҳажмини узлуксиз ошириб бориш банкларинг жаҳон молия бозоридаги нуфузини оширишга, қолаверса аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада орттиришга хизмат қилади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатлардаги сингари, республикаимизда ҳам иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашуви тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.




2.1.1-расм. Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси¹¹, (трлн. сўм)

¹¹ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, тижорат банклари жами капитали кейинги йилларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, тижорат банклари умумий капитали 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 23 фоизга ошиб, 6,0 трлн. сўмга етди. Банк капитали ҳажмини узлусиз ошириб бориш банкларинг жаҳон молия бозоридаги нуфузини оширишга, қолаверса аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада орттиришга хизмат қилади. Бу борада банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича кейинги йилларда Президентимиз томонидан қабул қилиниб келинаётган бир қанча Қарор ва Фармонлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли Қарорига асосан тижорат банклари қўшимча акцияларни чиқариш орқали хусусий капитални 2015 йилгача 2,1 баробарга ошириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тижорат банкининг капиталлашув даражасини АТ “Алоқабанк” мисолида кўрадиган бўлсак, сўнгги йилларда ушбу банкнинг хусусий капитали жадал суръатларда ўсиб бормоқда.



2.1.2-расм. АТ “Алоқабанк” хусусий капиталининг ўсиш динамикаси¹², (млрд. сўм)

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, АТ “Алоқабанк”нинг хусусий капитали сўнги беш йилда 3 бараборга ошди. Биргина 2014 йилда банкнинг хусусий капитали 17,1 фоизга ўсиб 151,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса банк бошқарувининг капиталлашув даражасига алоҳида эътибор берилаётганлиги, банк тизимида содир бўлиши мумкин бўлган рисклар ва оқибатида юзага келувчи йўқотишларни қоплашга етарли бўладиган маблағлар ўз вақтида йўналтирилаётганлигидан далолат беради.

Энди капитал етарлилик даражасининг динамик қиррасиси кўриб чиқсак. Тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш, шунингдек, фаолияти давомида дуч келадиган рисклардан зарар кўрмай чиқиб кетиш имкониятини беради.

¹² АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Банк капиталининг етарлилиги масаласини ҳал қилишда АҚШ нинг Федерал Захира Тизими томонидан таклиф қилинган CAMEL тизими алоҳида ўрин эгаллайди.

CAMEL тизимининг хусусиятлари шундан иборатки, бу тизим орқали тижорат банкининг рейтинги банк фаолиятининг барча кўрсаткичларини ҳисобга олади ва ҳар битта кўрсаткич бўйича ҳам алоҳида баҳо берилади.

Банк капитали етарлилигини таҳлил қилиш учун АҚШ да CAMEL рейтинг тизими бўйича қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланади:

1. Биринчи ва иккинчи даражали капитал ўртасидаги нисбат;
2. Капиталнинг етарлилик коэффициентлари:
 - Жами капитал ҳамда биринчи даражали капиталнинг таваккалчиликка тортилган активларга нисбати;
 - молиявий левераж коэффициенти. Бу коэффициент активларнинг капитал билан таъминланганлик даражасини билдиради.

CAMEL тизими бўйича банк капитали асосий (I даражали) ва қўшимча (II даражали) капитал дан ташкил топади.

Банкнинг I даражали капитали таркибига қуйидагилар киради:

1. Тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган акциялар;
2. Нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:
 - муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас;
 - эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;
 - банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин;
 - улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган дивидендлар тўланмайди.
3. Қўшимча капитал (капиталнинг ортиқча қисми) - оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;
4. Тақсимланмаган фойда:
 - капитал захиралар;

- аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
- жорий йил зарарлари.

5. Акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақларидаги улуши. Асосий капитал ҳисобланганда номоддий активлар, шу жумладан гудвиллни чегириб ташланади.

II даражали капитал таркибига эса қуйидаги элементлар киради:

1. Жорий йилнинг соф фойдаси;

2. Чегирмалардан сўнг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган активлар суммасининг 1,25 фоизи ва чегирмалардан асосий 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захиралар;

3. Чегирмалардан сўнг асосий 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар;

4. Субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг асосий капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Қўшимча капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охириги 5 йил давомида йилига 20 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- гаров таъминотига эга бўлмаслик;
- банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши;
- бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши.

Асосий капитал жами капиталнинг 50 фоизини ёки ундан кўпини ташкил қилиши керак. Қўшимча капитал миқдори асосий капитал миқдоридан ошиб кетса, капиталнинг ошиб кетган суммаси капитал ҳисоб-китобига киритилмайди.

Жами капиталдан чегирмалар бирлашмаган хўжалик юритувчи субъектлар капиталига барча инвестициялар суммаси, шу жумладан,

бундай хўжалик юритувчи субъектлар капиталини ташкил қилувчи қарз мажбуриятлари чегириб ташланади.

CAMEL тизимида капитал етарлилик коэффицентларини ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

1. I даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти

$$K_1 = \frac{\text{асосий капитал}}{\text{риска тортилган активлар умумий суммаси}} * 100\%$$

2. Жами капиталнинг етарлилик коэффиценти

$$K_2 = \frac{\text{Жами капитал}}{\text{риска тортилган активлар умумий суммаси}} * 100\%$$

3. Молиявий левераж коэффиценти

$$K_3 = \frac{\text{асосий капитал}}{\text{баланс активлари умумий суммаси} - \text{номоддий активлар}} * 100\%$$

Молиявий левераж коэффиценти 3% даражасида ўрнатилган.

Қуйида республикамиз тижорат банкларида банк капитали етарлилигининг бажарилиш кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

2.1.2-жадвал

Банк капитали етарлилиги даражаси¹³

№	Банк номи	01.01.2014 ҳолатига	01.01.2015 ҳолатига	Ўтган йилга нисбатан	
				(+;-)	%
1	Садерат	71,3%	76,7%	5,4%	107,6%
2	UT банк	52,2%	51,9%	-0,3%	99,4%
3	Hi-tech bank	37,3%	49,9%	12,6%	133,8%
4	KDB Bank Uzbekistan	31,7%	32,4%	0,7%	102,2%
5	Равнақ банк	28,7%	28,9%	0,2%	100,7%
6	Универсал банк	31,3%	28,3%	-3,0%	90,4%

¹³ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

7	Микрокредит банк	32,5%	26,3%	-6,2%	80,9%
8	Миллий банк	19,4%	22,9%	3,5%	118,0%
9	Давр банк	32,4%	22,5%	-9,9%	69,4%
10	Ориент-финанс банк	12,8%	21,5%	8,7%	168,0%
11	Туркистон банк	26,8%	20,9%	-5,9%	78,0%
12	Трастбанк	17,7%	20,2%	2,5%	114,1%
13	Қишлоқ қурилиш банк	22,7%	17,5%	-5,2%	77,1%
14	Саноатқурилиш банк	12,3%	17,4%	5,1%	141,5%
15	Азия Альянс банк	12,6%	17,4%	4,8%	138,1%
16	Асака банк	16,0%	16,9%	0,9%	105,6%
17	Алоқабанк	19,1%	15,4%	-3,7%	80,6%
18	Савдогар банк	18,1%	14,4%	-3,7%	79,6%
19	Ипак Йўли банк	12,7%	13,7%	1,0%	107,9%
20	Турон банк	11,2%	13,6%	2,4%	121,4%
21	Агробанк	13,7%	13,3%	-0,4%	97,1%
22	Ипотека банк	13,7%	13,2%	-0,5%	96,4%
23	Хамкор банк	14,3%	13,1%	-1,2%	91,6%
24	Инвест Финанс Банк	13,9%	12,2%	-1,7%	87,8%
25	Капитал банк	11,4%	10,6%	-0,8%	93,0%
26	Халқ банки	10,2%	10,3%	0,1%	101,0%


Юқоридаги жадвалдан маълум бўладики, республикамиз тижорат банкларининг барчасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрий кўрсаткич тўлиқ бажарилган. Айрим банкларда эса ушбу кўрсаткич 4-6 баробар кўпроқдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эса тижорат банкларига капиталнинг етарлилик даражасини 10,0 фоиз, I даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти 5,0%, левераж коэффиценти эса 6,0% миқдорида белгилаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги 2344-сонли Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида 2015-2019 йиллар даомида тижорат банкларига

регулятив капитал етарлилиги коэффициентини 10 фоиздан 14,5 фоизга, I даражали капитал етарлилиги коэффициентини эса 5,0 фоиздан 11,0 фоизгача гача кўтариш вазифаси белгиланган.

Банк капитали етарлилигини АТ “Алоқабанк” мисолида кўриб чиқадиган бўлсак:




2.1.3-расм. АТ “Алоқабанк” нинг капитал етарлилиги кўрсаткичи¹⁴

Расм маълумотларидан кўринадикки, АТ “Алоқабанк” да капитал етарлилиги кўрсаткичи Марказий банк томонидан белгиланган меъёрий кўрсаткичдан анча юқори. 2010 йилгача капитал етарлилиги юқори даражадаги ўсиш тенденциясига эга бўлиб 28,8 фоизни такшил этган бўлса, сўнгги 2 йил ичида ушбу кўрсаткични 18,6 фоизгача туширишга эришилди. Бу, банк капиталидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад олиш мақсадида активларни фойда келтирувчи йўналишларга йўналтириш натижасида содир бўлган. 2014 йил якунлари бшйича умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти 15,4 фоизни, I даражали капитал етарлилиги коэффициенти эса 14,7 фоизни ташкил этган.

¹⁴ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

CAMEL тизимининг кейинги компоненти **A – Assets quality** – активлар сифатини баҳолаш ҳисобланади.

Активлар сифатини таснифлаш бўйича CAMEL тизими талабларини кўриб чиқишдан олдин, республикамиз тижорат банкларининг жами активларининг ўсиш динамикасига назар ташласак.




2.1.4-расм. Тижорат банклари жами активларининг ўсиш динамикаси¹⁵, (трлн. сўм)

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари жами активлари кейинги йилларда юқори суръатларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, активлар 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 28 фоизга ошиб, 56,2 трлн. сўмга етди. Республикамизда тижорат банклари активларининг бундай даражада ошиб бориши, уларнинг фаолияти кенгайиб бораётганлиги ва актив операциялари ҳажми (кредитлаш, инвестиция) ортаётганлигидан далолат беради.

Тижорат банкларининг активлари динамикасини АТ “Алоқабанк” мисолида кўрадиган бўлсак, сўнгги йилларда ушбу банкнинг активлари ҳам жадал суръатларда ўсиб бормоқда.

¹⁵ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



2.1.5-расм. АТ “Алоқабанк” активларининг ўсиш динамикаси¹⁶, (млрд. сўм)

Ушбу расм маълумотларидан кўринадик, АТ “Алоқабанк” нинг активлари сўнги беш йилда 2,9 баробарга ошди. 2014 йилда эса банк активлари ўтган йилга нисбатан 44,8 фоизга ошган.

Активларни таснифлаш масаласига қайтадиган бўлсак, CAMEL тизимида аудит олиб боришда активлар сифатини баҳолаш аудитнинг муҳим қисмларидан бири саналади. Одатда, активлар сифатини баҳолаш учун аудит текширувларни жойларга чиққан ҳолда ўтказилади. Ссудалар ва бошқа кредит хизматларини яхши таҳлил этувчи аудитор муаммоли кредитларнинг “қайтишига” асосланган ҳолда уларни тавсифлаб чиқади.

Активлар сифатини аудитдан ўтказиш жараёнида банк активларининг ҳолати, сифати, даромадлилиги, самарадорлилигига оид тўплаган маълумотларга асосланиши лозим. Ушбу компонентнинг рейтингига банк актив операцияларининг амалдаги қонунчилик талабларига ва ички сиёсатларига мос равишда расмийлаштириш, муаммоли активларнинг динамикаси, улар ҳажмининг банк молиявий ҳолатига таъсири даражаси, эҳтимолий йўқотишларга қарши шакллантирилган заҳираларнинг

¹⁶ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

етарлилиги, Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботларида активлар сифатини реал акс эттирилиши ва бошқалар тўғрисида тўпланган маълумотлар асосий таъсир кўрсатади.

АҚШ банк тизимида активларни таснифлаш тартиби бир оз ўзгача хусусиятга эга бўлиб, унга кўра активлар 4 та синфга ажратилади. Бундан кўзланган мақсад – таваккалчилик даражасини банк сармоясига таъсирини келгусида янада аниқроқ белгилашдан иборат.

Бунда қуйидаги вазнлардан фойдаланилади:

2.1.3-жадвал

Активлар сифатининг таснифи¹⁷

Таснифи	Вазни
Стандарт	2% гача
Ностандарт	20%
Шубҳали	50%
Зарарли	100%

4-жадвалдан кўриш мумкинки, тижорат банклари стандарт активлар учун камида 2 фоиз захира ажратишлари керак.. Ностандарт активлар таркибига қайтиши кафолатланмаган, яъни қисман муаммога эга бўлган активлар киритиш мумкин. Улар учун 20 фоиз миқдорида захира шакллантирилади. Шубҳали активлар – қайтмаслик эҳтимоли юқори бўлган активлар бўлиб, улар бўйича зарар кўриш эҳтимоли юқори бўлади, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлганлиги сабабли ушбу активлар шароит ойдинлашмагунча "шубҳали" деб таснифланмайди. Улар учун 50 фоиз захира яратилиши керак. Зарарли активлар – бундай активларга қайтмаслик эҳтимоли юқори бўлган ва ҳаётий қобилиятга эга бўлмаган активлар киради. Қиймати жуда пастлиги туфайли банк активлари сифатида уларнинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Улар учун 100 фоиз миқдорида захира қилинади.

¹⁷ “Управление деятельностью коммерческого банка” (Банковский менеджмент) / Под редакций О.И.Лаврушина . Москва. Юрист 2013 год.

Активлар сифатини аудитдан ўтказиш ижодий жараён ҳисобланиб, аудитордан банкнинг асосий актив моддаларини синчиклаб ўрганишни ҳамда кредитга йўналтирилган маблағлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни ҳисоблашни талаб этади.

Активлар сифатини аудитдан ўтказишда кредит портфелининг аудитига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Алоҳида кредитларнинг сифат даражасига жуда кўплаб омиллар таъсир қилганлиги сабабли уларни юқоридаги гуруҳларнинг қайси бирига тегишли эканлигини синчиклаб ўрганиш зарур.

CAMEL тизимида активлар сифатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу – ялпи рискнинг абсолют миқдори (Absolute amount of aggregate risk) кўрсаткичи ҳисобланади. Ялпи рискнинг абсолют миқдори ҳар бир актив баланс суммасини унга тегишли риск миқдорига кўпайтириш орқали топилади.

Ялпи рискнинг абсолют миқдори = (Стандарт активлар х 0,02 +
Ностандарт активлар х 0,2 + Шубҳали активлар х 0,5 +
зарар келтирувчи активлар х 1,0).

Активларни ностандарт, шубҳали ва умидсиз активларга классификациялаш тизими аудиторларга CAMEL тизимига мос равишда банк активларини умумий сифат рейтингини аниқлаш, шунингдек кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун захираларга ажратмаларни етарлилигини баҳолаш имконини беради. Шунини ёдда сақлаш керакки, тақдим этилган ҳисобот активлар сифатини айрим кўрсаткичларини ўзида мужассам этганлигига қарамасдан, уни ҳақиқий ва тўлиқ баҳоланиши кредит таҳлили соҳасида фаолият юритилиши учун махсус тайёрланган аудиторларни банк ташкилотлари жойларида текширувни олиб боргандагина аниқ бўлади.

CAMEL тизимида активлар сифатини баҳолашда қуйидаги тамойилларидан фойдаланилади:

2.1.4-жадвал

CAMEL тизимида активлар сифатини баҳолаш тамойиллари¹⁸

Таснифланган активлар қиймати билан капитал ўртасидаги нисбат, % ҳисобида (А _{ЯР})	Рейтинг
5% дан кам	Кучли
5% дан 15% гача	Қониқарли
15% дан 30% гача	Ўртача
30% дан 50% гача	Танқидий
50% дан юқори	Қониқарсиз

А_{ЯР}- CAMEL тизимида қуйидагича аниқланади:

$$A_{ЯР} = \frac{\text{ялпи рискнинг умумий миқдори}}{\text{банк капитали}} * 100\%$$

Юқоридаги нисбатлардан кўриниб турибдики, активларнинг сифати билан капитали ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, яъни активлар сифати қанчалик даражада паст бўлса, банкка шунчалик даражада кўпроқ зарар келтиради. Бу ўз навбатида капитални камайишига олиб келади, чунки бу зарарлар банк капитали ҳисобидан қопланади. Шунингдек, катта миқдорда капиталга эга бўлган банклар кичик миқдордаги капиталга эга бўлган банкларга нисбатан зарарни қоплаш қобилиятига кўпроқ эга бўладилар.

Активлар сифатини баҳолашда юқоридаги кўрсаткичдан ташқари яна қуйидаги коэффицентлардан ҳам CAMEL тизимида фойдаланилади.

$$A_T = \frac{\text{таваккалчиликка тортилган активлар умумий суммаси}}{\text{жами активлар суммаси}} * 100\%$$

Бу кўрсаткич банк активларининг қай даражада рисклилигини таснифлайди. А_Т – қанчалик бирга яқинлашса банк хатари шунчалик катта бўлади.

$$A_{МК} = \frac{\text{муаммоли активлар суммаси}}{\text{жами кредитлар суммаси}} * 100\%$$

¹⁸ “Управление деятельностью коммерческого банка” (Банковский менеджмент) / Под редакций О.И.Лаврушина . Москва. Юристь 2013 год.

A_{MK} – кўрсаткичи банкнинг кредит портфелининг қай даражадалигини англатади. Бунда қайтариш муддати ўтиб кетган кредитларнинг салмоғи аниқланади.

Тижорат банклари активларининг сифатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири активлар таркибида жами даромад келтирувчи активлар улуши ҳисобланади. Даромад келтирувчи активларнинг жами активлардаги салмоғи 70 фоиздан ортиқ бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

$$A_{DK} = \frac{\text{даромад келтирувчи активлар суммаси}}{\text{жами активлар суммаси}} * 100\%$$

Банклар фаолиятини аудитдан ўтказиш жараёнида активлар даромадлилигининг ўзгариши, активлар таркибидаги даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши асосий назорат объектлари сифатида эътиборга олинади лозим.

Тижорат банклари фаолиятида кредитлар энг кўп даромад келтирадиган активлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли, ушбу активларни кўздан кечириш ва таҳлил қилиш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Аудиторнинг бу йўналишдаги дастлабки вазифаларидан бири – кредит портфелининг умумий ҳолатини таҳлил қилиш ва жорий ёки потенциал муаммолар манбаларини аниқлашдан иборат. Активлар сифатининг таҳлилида асосий эътибор активларнинг қайтишига қаратилади.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг амалдаги ҳолатини АТ “Алоқабанк” мисолида кўриб чиқамиз.

2.1.5-жадвал

АТ “Алоқабанк” активларининг сифат даражаси аудити¹⁹, млн. сўм

№	Кўрсаткич номи	Риск вазни	2013 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	Ялпи рискнинг ўзгариши
---	----------------	------------	--------------------	--------------------	------------------------

¹⁹ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

			жами соф сумма	ялпи риск суммаси	жами соф сумма	ялпи риск суммаси	сумма да	фоиз- да
<i>A</i>	<i>B</i>		<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5=4-2</i>	<i>6=4/5</i>
	Баланс бўйича жами		697 102	17 213	1 009 557	21 361	4 148	124%
1	Стандарт активлар	2%	685 898	13 718	1 007 315	20 146	6 428	147%
2	Ностандарт активлар	20%	8 874	1 775	1 228	246	-1 529	14%
3	Шубҳали активлар	50%	1 220	610	90	45	-565	7%
4	Умидсиз активлар	100%	1 110	1 110	924	924	-187	83%
	Жами банк капитали		129 311		151 454		117%	
	Аяр (Ялпи риск / банк капитали)		13%		14%		106%	

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадик, АТ “Алоқабанк” да жами активлар суммасининг 40 фоиздан кўп ўсган бўлиб, шунга мос равишда ялпи рискнинг умумий миқдори ўтган йилга нисбатан 24 фоизга ўсганини кўриш мумкин. Стандарт активлар жами банк активларининг 99,3 фоизини ташкил этган. Сифат даражаси паст бўлган ностандарт, шубҳали ва умидсиз активларнинг ўтган йилга нисбатан камайгани банк учун ижобий ҳолат ҳисобланади. Банк капиталининг ўсиш суръати жами активларнинг ўсишига нисбатан пастроқ бўлганлиги учун, активлар сифатини тавсифловчи Аяр коэффициенти ўтган йилга нисбатан 6 фоизга ўсган.

Энди эса активлар сифатини баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичларини асосида кўриб чиқамиз.

2.1.6-жадвал

АТ “Алоқабанк” активлар сифатини баҳолашда қўшимча кўрсаткичлар аудити²⁰, млн. сўм

²⁰ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Кўрсаткичлар	2013 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	Ўзгариши, % да
Жами активлар суммаси	697 102	1 009 557	144,8%
Рискка тортилган активлар умумий суммаси	604 120	881 042	145,8%
Даромад келтирувчи активлар суммаси	524 403	814 656	155,3%
Жами кредитлар суммаси	488 928	700 617	143,3%
Жами муаммоли кредитлар суммаси	1 591	924	58,1%
A_T – Рискка тортилган активларнинг жами активларда тутган улуши	86,7%	87,3%	100,7%
A_{DK} – Даромад келтирувчи активларнинг жами активларда тутган улуши	75,2%	80,7%	107,3%
A_{MK} – Муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелида тутган улуши	0,33%	0,13%	40,5%

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, АТ “Алоқабанк”да активлар сифати бўйича кўшимча кўрсаткичлар даражаси мақбул даражада. Рискка тортилган активларнинг жами активларда тутган улуши 87,3 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан унчалик катта ўзгаришларга учрамаган. Даромад келтирувчи активларнинг жами активлардаги салмоғи ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ўсган. муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши сезиларли даражада камайган бўлиб, банк муаммоли кредитларни камайтириш чораларини кўрганини кўришимиз мумкин.

2.2. Тижорат банкларида бошқариш қобилияти, даромадлилик ва банк ликвидлигини CAMEL тизими орқали аудит қилиш

CAMEL тизимида бошқарув қобилияти (management) кетма-кетликда учинчи компонент ҳисоблансада, лекин мазмунан ўзидан олдинги ва кейинги омиллар натижасига кўра аниқланади.

Жумладан, жаҳон банки мутахассислари бошқарув қобилияти, яъни менежмент ҳақида қуйидаги фикрларни билдирадилар.

“Менежментга баҳо бериш, аввало, банк фаолияти натижаларига баҳо беришдан бошланади. Менежмент ишлари яхши ташкил этилган банклар сармоя етарлилиги, активлар сифати, фойда ва қониқарли ликвидлик талабларига жавоб беришлари шарт.

Банк сиёсати менежернинг ҳаракатлари ифодаси қарз бериш, хорижий валюталарни амалга ошириш сингари воситалар ёрдамида банк фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Ушбу тизим ва назорат амалга оширилаётган сиёсатнинг самарали ва аниқ бажарилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

Менежментга берилаётган баҳо банкнинг қонунлари ва тартибга солувчи қоидаларни бажарилиши, шу жумладан, Марказий банкка ҳисоботларни ўз вақтида ва сифатли етказиб беришдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.”²¹

Менежмент яъни бошқарув, ресурсларни, ходимларни бошқариш, самарали фаолият олиб бориш ва фойда олишни билиш, уни кўпайтириш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан бошқарув - бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишдир.

Бошқарув бу — ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов асосида қарор қабул қилиш ва ўни бажарилишини назорат қилишдан иборат. Ҳар қандай банк фаолиятининг ижобий натижа бериши, энг аввало, танловни тўғри бажара олиш ва ишончли қарорларни қабул қилишга ҳамда бу қарорни бажарилишини назорат қила олишга боғлиқ бўлади. Масалан: юқори фойда олиш қуйидаги уч жиҳат: харажатлар, наф, ва баҳо бўйича тўғри танловни ва ишчан қарор қабул қилишни талаб қилади.

²¹ М.К. Эрматов.” Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари” Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005 йил.

Банк бошқарувининг мустаҳкамлиги қуйидаги тавсифлар билан аниқланади:

- стратегик таҳлил;
- режалаштириш, сиёсатни ишлаб чиқиш ва бошқарув;
- режалаштириш сифати;
- рискларни (кредит, бозор, операцион рисклар) бошқариш;
- банк ликвидлигини бошқариш;
- инсон ресурсларини бошқариш;
- назорат тизимини тузиш: аудит ва ички аудит, даромадлилик мониторинги, рисклар ликвидлиги;
- ягона информацион технология: ҳужжатлар айланиши, бухгалтерия ҳисоботи, жорий таҳлил ва назорат, стратегик режалаштиришнинг комплекс автоматизацияси.

Тижорат банкларида бошқарув қуйидаги бошқарув органлари томонидан олиб борилади:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- банк кенгаши;
- банк бошқаруви.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг олий органи, банк кенгаши банкнинг назорат органи, банк бошқаруви (ижроия органи) банкнинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

Аудитор банкнинг бошқарув қобилиятини баҳолашда қуйидаги омилларни инобатга олиши керак:

- банкнинг молиявий кўрсаткичлари: капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлилик ҳамда ликвидлик даражалари устидан доимий назорат ўрнатилганлиги;
- банкнинг қисқа ва узоқ муддатли режаларини, ички низомларини ҳамда банк фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

- чуқур билимга асосланганлик, банк фаолиятини бошқаришда етакчилик қобилиятига эгалик қилиш, шу жумладан, банк бошқарувчиларининг иш тажриба ва малакаси, банкнинг кичик ва ўрта лавозимдаги ходимларининг иш тажриба ва малакаси, банк раҳбарияти томонидан банк фаолиятини назаорта қилиш сифати, ходимларни ўқитишнинг еарли даражасининг мавжудлилиги;

- рискларни режалаштириш ҳамда улар учун жавобгарликни олиш ва бошқалар.

Банкнинг бошқарув қобилиятига баҳо беришда ишчанлик қобилияти (business activity) ҳамда молиявий барқарорлик (financial stability) кўрсаткичларининг ҳолатига ҳам баҳо берилиши лозим.

Тижорат банки барқарор ҳолатининг асоси бўлиб, унинг молиявий барқарорлиги хизмат қилади. Банкнинг молиявий барқарорлигига турли ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар ичида банкнинг молиявий бозордаги рақобатдошлиги, доимий мижозларнинг мавжудлиги ва банк амалиётларини ўтказиш ҳамда ҳисобини расмийлаштиришда илғор технологияларни қўллаш омиллари муҳим ўрин тутади. Бу эса, самарадорликни оширишга ва банкнинг ишончли ҳамкор сифатида обрўсининг мустаҳкамланишига имкон беради.

Банкнинг ички барқарорлиги - бу тижорат банки фаолиятининг барқарор, юқори натижаларни таъминловчи пассивлар ва активлар таркибининг ҳолати ва молиявий натижалар динамикасидир. Ички барқарорликка эришиш асосида ички ва ташқи омиллар ўзгаришига фаол жавоб бериш тамойили ётади.

Тижорат банкига нисбатан ташқи барқарорлик, ушбу банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳит барқарорлиги билан белгиланади. Ташқи барқарорликка бутун мамлакат миқёсидаги бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқариш тизими орқали эришилади.

Банкнинг молиявий мустаҳкамлилиги таҳлили асосида банк молиявий мустаҳкамлиги белгилари, ҳолати ўзгаришининг изчиллигини ўз

ичига олган трендни тадқиқ қилиш, унинг турли белгилари ўзгаришлари ўртасидаги алоқаларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш ётади.

Банкнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- банкнинг ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш коэффиценти – банклараро қарзларнинг жалб қилинган маблағлардаги улушини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади;

- ишлаш самарадорлиги коэффиценти – жами харажатларнинг жами даромадлардаги нисбатини ифодалайди;

- маблағларни жойлаштириш коэффиценти. жалб қилинган маблағларнинг даромад келтирувчи активларга бўлиш орқали топилади.

Банкнинг ишчанлик қобилияти кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- умумий кредит фаоллиги коэффиценти – жами ажратилган кредитлар ҳамда бошқа банкларга жойлаштирилган депозит ва кредитларнинг жами активларга нисбати орқали ҳисобланади;

- жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиш коэффиценти – жами ажратилган кредитларнинг жалб қилинган мажбуриятларга бўлиш орқали топилади;

- инвестицион фаоллик коэффиценти – қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг жами активлардаги улушини ифодалайди;

- қайта молиялаштириш коэффиценти – жалб қилинган банклараро маблағларнинг жойлаштирилган банклараро маблағлардаги улушини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Энди ушбу кўрсаткичларнинг амалдаги ҳолатини АТ “Алоқабанк” мисолида кўриб чиқамиз.

2.2.1-жадвал

АТ “Алоқабанк” нинг бошқарув қобилияти кўрсаткичлари²²


²² АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Кўрсаткичлар	Тавсия этилган меъёр, %	2013 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	Ўзгариши, %да
Ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари				
Умумий кредит фаоллиги коэффициенти	55-80	73,5%	79,3%	107,8%
Жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиш коэффициенти	<80	106,6%	110,4%	103,5%
Инвестицион фаоллик коэффициенти	<10	2,0%	1,4%	70,3%
Қайта молиялаштириш коэффициенти	100	336,8%	253,1%	75,1%
Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари				
Ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш коэффициенти	<40	16,7%	34,8%	209,2%
Ишлаш самарадорлиги коэффициенти	<95	86,6%	87,3%	100,8%
Маблағларни жойлаштириш коэффициенти	100	91,7%	89,0%	97,1%

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, АТ “Алоқабанк” да ишчанлик қобилияти кўрсаткичларидан жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиш коэффициенти тавсия этилган меъёрдан бироз катта бўлиб, бу жойлаштирилган маблағлар жалб қилинган маблағларга нисбатан кўпроқ эканлигини билдиради. Қайта молиялаштириш коэффициенти эса ўрнатилган меъёрдан анча баланд. Умуман олганда ушбу коэффициент банкнинг банклараро депозит ва кредитларинг қанчалик даражада “донор”и эканлигини кўрсатади. Халқаро амалиётда аҳоли омонатларига энг арзон ресурс сифатида, банклараро ресурсларга эса энг қиммат ресурс сифатида қаралиши натижасида, бу коэффициентнинг юқорилиги банк даромадлилик даражасини оширишда қўшимча манбаларнинг мавжудлигини кўрсатади. Республикамиз иқтисодиётида эса бу ҳолат аксинча бўлганлиги сабабли, ушбу коэффициент тижорат банкларимиз учун самарали ҳисобланмайди. Республикамизда қимматли қоғозлар бозорининг ҳали яхши ривожланмаганлигини натижасида АТ “Алоқабанк”

да инвестицион фаоллик коэффициенти 1,4 фоизни ташкил этади. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари эса АТ “Алоқабанк”да тавсия этилган меъёрлар даражасида эканлигини кўришимиз мумкин.


CAMEL тизимида бошқарув қобилятидан кейинги компонент бу – даромадлилик ҳисобланади. тижорат банклари капиталини оширишнинг асосий омилладан бири бу – даромад кўрсаткичидир. Тижорат банкларининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган экан, тижорат банклари даромадларини аудитдан ўтказиш аудиторлар учун ҳам қизиқарли жараён ҳисобланади. CAMEL тизимида даромадлилик таҳлилини кўриб чиқишдан олдин АТ “Алоқабанк” нинг молиявий натижаларини кўриб чиқсак.



2.2.1-расм. АТ “Алоқабанк” даромадларининг ўсиш динамикаси динамикаси²³, млрд. сўм

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, АТ “Алоқабанк” да 2013 йилгача даромадларинг ўсиши ўтган йилларга нисбатан анча юқори бўлган. 2013 йилда ўсиш суръати 28,7 фоизни, 2014 йилда эса 31,1 фоизни ташкил этган.

²³ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



2.2.2-расм. АТ “Алоқабанк” соф фойдасинг ўсиш динамикаси²⁴, млрд. сўм

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, АТ “Алоқабанк” соф фойданинг ўсиш динамикаси даромадларинг зсишига мос равишда 2013 йилгача анча юқори бўлган. 2013 йилда ўсиш суръати 21,1 фоизни, 2014 йилда эса 24,0 фоизни ташкил этган.

Энди CAMEL тизимида даромадлилик аудитига қайтадиган бўлсак, ушбу тизимида бу омилга яхши эътибор қаратилган, лекин даромад олиш омилларининг таҳлили жаҳон амалиётида ҳам, республикамизда ҳам серқирра ҳисобланади. Даромадлилик аудитни амалга оширишда тижорат банклар қандай омиллар ҳисобига фойда олишига асосий эътиборни қаратиш лозим. Даромад ва фойда банк фаолиятининг самарадорлгини тавсифловчи кўрсаткич ҳисобланиб, банкнинг келажакдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш имкониятларини белгилайди, хусусий капитал ва захираларнинг ўсиши учун шарт-шароит яратади ҳамда акциядорларга дивиденд тўланишини таъминлайди.

²⁴ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Банкларинг фойдалилик даражасини ҳисоблашда бир қтор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Асосий кўрсаткичлардан рентабеллик коэффицентлари ишлатилади.

Рентабеллик – тижорат банкларининг соф сойдаси билан аниқланадиган кўрсаткич бўлиб, у соф фойданинг харажатга нисбати орқали аниқланади. Бу бир сўмлик қилинган харажат қанча фойда олиб келишини кўрсатади.

$$K_{\text{рен.}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами харажатлар}} * 100\%$$

Бу кўрсаткич камида 20 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади. Бундан ташқари қуйидаги рентабеллилик кўрсаткичлари ҳам мавжуд:

Активлар рентабеллилиги (ROA – Return on assets) - бир сўмлик активга тўғри келувчи фойдани англатади. Бу кўрсаткич камида 5 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади.

$$K_{\text{ROA}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами активлар суммаси}} * 100\%$$

Капитал рентабеллилиги – (ROE – Return on equity) Бу бир сўмлик капиталга тўғри келувчи фойдани англатади. Бу кўрсаткич камида 10 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади.

$$K_{\text{ROA}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами капитал суммаси}} * 100\%$$

Бундан ташқари, тижорат банкларини аудитдан ўтказишда кредит портфелининг даромадлилиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади.

Рентабеллик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолатини АТ “Алоқабанк” мисолида кўриб чиқамиз.

2.2.2-жадвал

АТ “Алоқабанк” рентабеллик кўрсаткичлари аудити²⁵, млн. сўм

№	Кўрсаткичлар	2013 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	Ўзгариши, % да
1	Жами активлар	697 102	1 009 557	144,8%
2	Жами капитал	129 311	151 454	117,1%
3	Даромад	132 337	173 409	131,0%
4	Харажат	114 567	151 339	132,1%
5	Соф фойда	17 770	22 070	124,2%
6	K _{Рен.}	15,5%	14,6%	94,0%
7	K _{ROA}	2,5%	2,2%	85,8%
8	K _{ROE}	13,7%	14,6%	106,0%

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, АТ “Алоқабанк”да соф фойданинг йиллик ўсиши бошқа кўрсаткичлардан кам бўлганлиги сабабли рентабеллик кўрсаткичлари тавсия қилинган кўрсаткичлардан пастроқ даражада.

CAMEL тизимининг охирги компоненти бу банк ликвидлигини бошқариш ҳисобланади. **L-Ликвидлик** – бу банк томонидан ўзининг жорий ва келажакдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан ликвид маблағларни жалб қила олиш қобилиятларининг йиғиндисидир.

Банк ликвидлиги банк ўз капиталининг етарлилиги, унинг оптимал жойлаштирилганлиги, баланснинг актив ва пассив қисмларидаги маблағларнинг вақт оралиғида мувофиқлиги билан аниқланади.

Тижорат банкининг ликвидлиги унинг фаолияти асосини ташкил қилувчи уч асосий қисм ўртасидаги доимий субъектив мутаносибликни сақлашдан иборатдир. Булар банкнинг хусусий капитали, жалб қилинган маблағлар ва жойлаштирилган маблағлардир. Бу мутаносиблик эса, юқоридагиларнинг таркибий элементларини оператив бошқариш йўли билан амалга оширилади.

²⁵ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Банк ликвидлиги - бу банк томонидан ўзининг жорий ва келажагдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан ликвид маблағларни жалб қила олиш қобилиятларининг йиғиндисидир.

Ликвидликни самарали бошқариш қуйидаги омиллар билан таъминланади:

- банкнинг турли бўлинмаларининг мувофиқлаштирилганлиги;
- банк активлари ва пасивларининг муддатлари ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланганлиги;
- банк жорий ликвидлиги устидан кундалик назорат ўрнатилганлиги;
- банк ликвидлик ҳолатининг мониторинги вазифалари юкланган таркибий бўлинманинг мавжудлиги;
- маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пасив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимининг мавжудлиги.

CAMEL тизимида ликвидликни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- депозитларнинг доимийлик даражаси;
- фоиз ставкаларнинг ўзгарувчанлигига таъсирчан фондларнинг ишончлилиқ даражаси;
- пул бозорларининг мавжудлилиги;
- активлар ва пасивларни бошқариш бўйича стратегиянинг мавжудлилиги ва бошқалар.

Бундан ташқари аудиторлар Марказий банк томонидан ўрнатилган ликвидлик меъёрларига амал қилинишига эътибор қаратишлари лозим.

Республикамиз тижорат банкларига Марказий банк томонидан жорий ликвидлик коэффиценти ўрнатилган бўлиб, барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик

активлари, бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар бундан истисно) талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30% дан кам бўлмаслиги керак.

Бундан тшқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6-майдаги 2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 2015-2019 йилларда янги ликвидлик талаби босқичма-босқич киритиш белгиланган бўлиб, бунда барча тижорат банклари ликвидликни қоплаш меъёрини таъминлашлари шарт бўлиб, ушбу меъёр юқори ликвид активларнинг 30 кун ичтидаги соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади. Ликвидликни қоплаш меъёри 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

2019 йил 1 январгача бошлаб барча банклар 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда соф барқарор молиялаштириш меъёрини таъминлашлари шарт бўлиб, ушбу меъёр қуйидагича аниқланади:

$$\text{Соф барқарор молиялаштириш меъёри} = \frac{\text{Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси}}{\text{Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси}} \geq 100\%$$

Ушбу янги талаблар тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини оширишга қаратилган бўлиб, тижорат банклари юқори ликвидли активларининг миқдорига бўлган талабни ошириш билан бирга, банкларни жуда кўп миқдорда даромад олиш имкониятини чеклаб қўяди.

Энди республикамиз тижорат банкларида банк ликвидлик кўрсаткичининг бажарилишини кўриб чиқсак.

2.2.3-жадвал


Тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси²⁶

№	Банк номи	01.01.2014 ҳолатига	01.01.2015 ҳолатига	Ўтган йилга нисбатан	
				(+;-)	%
1	Садерат	170,0%	176,3%	6,3%	103,7%
2	Саноатқурилиш банк	102,1%	92,4%	-9,7%	90,5%
3	Азия Альянс банк	102,0%	92,2%	-9,8%	90,4%
4	KDB Bank Uzbekistan	92,6%	89,9%	-2,7%	97,1%
5	Миллий банк	84,7%	87,2%	2,5%	103,0%
6	УТ банк	97,0%	85,5%	-11,5%	88,1%
7	Қишлоқ қурилиш банк	60,7%	80,3%	19,6%	132,3%
8	Ипак Йўли банк	82,0%	65,3%	-16,7%	79,6%
9	Ориент-финанс банк	70,5%	64,1%	-6,4%	90,9%
10	Туркистон банк	69,5%	63,9%	-5,6%	91,9%
11	Асака банк	57,4%	61,2%	3,8%	106,6%
12	Инвест Финанс Банк	60,7%	59,9%	-0,8%	98,7%
13	Хамкор банк	82,8%	59,8%	-23,0%	72,2%
14	Равнақ банк	41,9%	52,6%	10,7%	125,5%
15	Универсал банк	50,5%	52,5%	2,0%	104,0%
16	Трастбанк	54,7%	52,5%	-2,2%	96,0%
17	Давр банк	83,3%	50,7%	-32,6%	60,9%
18	Алоқабанк	48,8%	50,6%	1,8%	103,7%
19	Микрокредит банк	54,9%	48,8%	-6,1%	88,9%
20	Капитал банк	56,1%	46,3%	-9,8%	82,5%
21	Халқ банки	57,0%	44,0%	-13,0%	77,2%
22	Ипотека банк	76,0%	43,1%	-32,9%	56,7%
23	Турон банк	42,0%	42,5%	0,5%	101,2%
24	Агробанк	42,7%	40,8%	-1,9%	95,6%
26	Hi-tech bank	55,1%	21,3%	-33,8%	38,7%

Юқоридаги жадвалдан маълум бўладики, республикаимиз тижорат банкларининг барчасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрий кўрсаткич тўлиқ бажарилган. Айрим банкларда эса ушбу кўрсаткич 4-6 баробар кўпроқдир.

²⁶ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Банк ликвидлигини АТ “Алоқабанк” мисолида кўриб чиқадиган бўлсак:



2.2.3-расм. АТ “Алоқабанк”нинг жорий ликвидлик кўрсаткичи динамикаси²⁷, (%да)

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, АТ “Алоқабанк”да жорий ликвидлик кўрсаткичи Марказий банк томонидан белгиланган меъёрий кўрсаткичдан анча юқори. 2008 ва 2010 йилларда жорий ликвидлик кўрсаткичи юқори даражадаги ўсиш тенденциясига эга бўлиб 70,0 фоизгача етган бўлса, сўнгги 2 йил ичида ушбу кўрсаткични 52,9 фоизгача тушган. Бу, юқорида айтиб ўтганимиздек, банк активларидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад олиш мақсадида активларни фойда келтирувчи йўналишларга йўналтириш натижасида содир бўлган.

II боб бўйича хулоса

²⁷ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Энди АТ “Алоқабанк”нинг активларини CAMEL тизими асосий ва қўшимча кўрсаткичлари орқали баҳолаб чиқсак. АТ “Алоқабанк”да активларнинг сифат коэффиценти 14 фоизни ташкил этади. CAMEL тизимида активлар сифатини баҳолаш тамойилларига кўра бу 5%-15% оралиққа тўғри келади. Демак АТ “Алоқабанк” нинг активлар сифатининг асосий кўрсаткичлари бўйича рейтинг баҳо 2. АТ “Алоқабанк”да активлар сифати бўйича қўшимча кўрсаткичлар даражаси мақбул даражада бўлганлиги сабабли банкка қониқарли рейтинг берилади.

Активлар сифатини баҳолаганимиздан сўнг энди капитал етарлилигини баҳолашни кўриб чиқамиз. АТ “Алоқабанк” нинг капитал етарлилик кўрсаткичлари ўрнатилган меъёр кўрсаткичларидан анча юқори бўлганлиги учун кучли, яъни 1 баҳо берилиши керак, лекин бунда активлар сифати 11 фоиздан кам бўлмаслиги керак деб чеклов ўрнатилган. Капитал етарлиги бўйича бериладиган рейтинг баҳо 2, яъни қониқарли.

Даромадлилик бўйича бериладиган баҳо 3, ликвидлик бўйича 2, бошқарув қобилияти бўйича 3 баҳо берилади.

CAMEL тизими бўйича АТ “Алоқабанк”нинг умумий рейтинг $((2+2+2+3+2)/5=1,9$ ни яхлитлаймиз ва 2 ҳосил бўлади) “қониқарли”.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА CAMEL ТИЗИМИ АСОСИДА БАНК АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Ўзбекистон банклари аудитида CAMEL тизимидан фойдаланишдаги муаммолар

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир банкнинг таназзулга учраши халқ хўжалигида иқтисодий фаолликнинг у ёки бу даражада сустлашувига сабаб бўлади.

Бугунги глобллашув шароитида инқироздан кўриладиган зиён фақат бир давлат ёки маълум иқтисодий ҳудуд билан чегараланмасдан, балки бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Юртбошимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида «...Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди» деб таъкидлаганлар.

Шундай экан, халқаро стандартлар асосида аудит ўтказиш тижорат банклари молиявий ҳисоботларининг шаффоф бўлишини ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилидир.

Мамлакатимизда инқирозга қадар бўлган даврда банк сектори капиталлашув даражасини оширишга банк тизими ислохотларининг устувор йўналиши сифатида қаралди ва бугун барчамиз бу сиёсат ўзини тўлиқ оқлаганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Хусусан, банк капиталига нисбатан янгича талаблар банк капитали таркибини ўзгартириш, капитал етарлилигига нисбатан талабларни ошириш, жумладан, капитал етарлилигининг янги қўшимча меъёрларини жорий этиш, махсус захира капиталини шакллантириш каби устувор

йўналишларни камраб олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги 2344-сонли Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида 2015-2019 йиллар даомида тижорат банкларига регулятив капитал етарлилиги коэффицентини 10 фоиздан 14,5 фоизга, I даражали капитал етарлилиги коэффицентини эса 5,0 фоиздан 11,0 фоизгача гача кўтариш вазифаси белгиланган.

CAMEL тизими асосида капитал етарлилигини аудитдан ўтказишда Базел III талабларини жорий этиш тавсия этилади. Шу сабабли капитал етарлилигини баҳолашда кучли рейтинги берилиш учун жами капитал етарлилигини 14,5 фоиздан, асосий капитал етарлилиги коэффицентини 11,0 фоиздан баланд бўлиши тавсия этилиши керак.

Аммо, амалга оширилган илмий изланишларимиз банк капитали таркибини оқилона шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлаш, банк активларини рискка тортиш ва ликвидлигини бошқариш борасида қуйидаги муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамыз:

1. Тижорат банклари жами капитали таркибида қўшимча капитал (II даражали капитал) салмоғининг жуда кичиклиги.

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, республикамыз тижорат банклари жами капиталининг мутлақ асосий қисми асосий капиталдан иборат. Тижорат банклари жами капиталининг ўртача 95 фоизи асосий капитал ҳиссасига тўғри келмоқда.

2. Тижорат банклари капитали таркибида аниқликнинг етишмаслиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 26 апрелда тасдиқланган 420-сонли “Тижорат банклари капитал етарлилигига қуйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомга мувофиқ “капитал захиралар” тушунчаси тақсимланмаган фойда таркибига киритилган. Ваҳоланки, хориж амалиётида (асосан ривожланаётган давлатларда) банк устав

капитали миқдорида ташкил этиладиган капитал захиралар тақсимланмаган фойда таркибида бўлмайди. Республикамиз тижорат банклари ҳисобварақлар режасида ҳам капитал захираларни тақсимланмаган фойда таркибига киритилмаган. Капитал захира моҳиятига кўра устав капиталини оширишни таъминловчи манба саналади. Капитал захираларни низомда тақсимланмаган фойда таркибидан чиқариб, алоҳида қайд этиш ва айнан қайси манбалар капитал захира сифатида қаралиши аниқлаштирилса фикримизча, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тижорат банклари капитал етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга мувофиқ устав капиталининг валюта қисмини қайта баҳолаш ҳисобига яратилган девальвация захираси I даражали капитал таркибига киритилган. Бироқ, II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарзлар талаблари сифатида девальвация захирасини яна бир бор учратишимиз мумкин. Бу ҳолатга ҳам ойдинлик киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

3. Банк капиталининг нобарқарор манбалар ҳисобидан ўсиб бораётганлиги муаммоси.

Охирги йилларда захира капитали таркибига кирувчи устав капиталининг валюта қисмини қайта баҳолаш ҳисобига шакллантирилувчи девальвация захираси салмоғининг ошиб бориши кузатилмоқда. Девальвация захираси курс фарқидан юзага келувчи нобарқарор манба ҳисобланади ва у валюта курси пасайиши натижасида камайиш хавфига (манфий ҳам бўлиши мумкин) эга бўлади. Ундан ташқари охирги йилларда бошқа манбаларнинг юқори ўсиш суръатига эгаллиги устав капиталининг салмоғини пасайишига олиб келмоқда.

4. Банк активларини таснифлашнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги.

Тижорат банкларида муддати ўтган ссудаларни яшириш имконияти мавжудлиги банкларга кредитлар бўйича эҳтимолий йуқотишлар учун махсус захирани шакллантириш харажатларини камайтириш орқали банк

соф фойдасини асоссиз ошириш ва юқори капитал етарлилигига эга бўлиш имконини беради. Шунингдек тижорат банклари томонидан бошқа активларни (инвестиция, қимматли-қоғозлар ва бошқалар) таснифланмаслиги ва улар бўйича мажбурий равишда эҳтимолий йўқотишлар учун захиралар шакллантирилмаслиги банк активлари таркибида сифатсиз активларнинг яширинишига, банк томонидан зарарли ва фойдасиз активларни ўз вақтида ҳисобдан чиқарилмаслигига ҳамда банк молиявий аҳволини нотўғри баҳоланишига сабаб бўлади.

5. Активлар сифатини таснифлаш тизимлари ўртасидаги фарқ муаммоси.

CAMEL тизими орқали активлар сифатини аудитдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби талабларини инобатга олиш зарур. CAMEL тизимидаги активлар тавсифланишидан биров фарқли равишда республикада банк активлари сифат даражасига кўра яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ҳамда умидсиз активларга тавсифланади. Республикада банк тизимида яхши активларга захира яратиш талаб этилмайди. Стандарт активларга эса 10 фоиз миқдорида захира яратилади. CAMEL тизимида эса яхши барчаси стандарт деб таснифланади ҳамда уларга камида 2 фоиз захира яратиш талаб этилади. Стандарт, субстандарт деб таснифланган активлар эса носатандарт деб таснифланади ҳамда 20 фоиз захира ятарилиши талаб этилади. Бу эса тижорат банкларини активлари сифатини CAMEL тизими асосида аудитдан ўтказишда А_{ЯР} коэффициентининг кўп бўлишига сабаб бўлади ҳамда активлар сифати бўйича бериладиган рейтинг баҳосини тушишига сабаб бўлади. Ушбу ўзгаришларнинг АТ “Алоқабанк” мисолида кўриб чиқсак.

3.1.1-жадвал

Активлар таснифланиши тизимлари ўратасидаги фарқ²⁸, млн. сўм

№	Кўрсаткич номи	CAMEL тизими асосида		ЎзР МБ талаблари асосида	
		жами соф сумма	ялпи риск суммаси	жами соф сумма	ялпи риск суммаси
<i>A</i>	<i>B</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
	Баланс бўйича жами	1 009 557	21 361	1 009 557	206
1	Яхши активлар	-	-	1 007 315	-
2	Стандарт активлар	1 007 315	20 146	1 040	104
3	Ностандарт активлар	1 228	246	188	47
4	Шубҳали активлар	90	45	90	45
5	Умидсиз активлар	924	924	924	924
	Жами банк капитали	151 454		151 454	
	А_{ЯР} (Ялпи риск / банк капитали)	14,1%		1,4%	

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, аудўит ўтказиш жараёнида активлар сифати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби асосида таснифланса А_{ЯР} коэффициентининг 14,1 фоиздан 1,4 фоизга тушушини кўришимиз мумкин бўлади. Бу эса нафақат активлар сифати, балки капитал

²⁸ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

етарлилиги бўйича бериладиган рейтинг баҳоларини кўтарилашига сабаб бўлади.

6. Тижорат банкларида ликвидлик рискни бошқариш бўйича стресс-тестларнинг ўтказилмаслиги.

Кутилмаган ҳолатларда банклар томонидан ликвидликни қисқа вақт ичида таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар дастурининг мавжуд эмаслиги мижозлар олдида банкка бўлган ишончнинг тушиб кетишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларини жорий этилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Юқорида кўриб ўтганимиздек, кейинги йилларда капитал етарлилигига ва ликвидлик кўрсаткичига бўлган талаблар оширилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари республикамызда CAMEL тизими асосида аудитни ташкил этиш Россия Федерацияси ва АҚШ да олиб борилаётган CAMEL рейтинг тизимидан айрим жихатлари билан фарқ қилади.

1. CAMEL тизими бўйича тижорат банкларига рейтинг баҳоларини белгилашда аниқ бир тижорат банкка баҳо берилади. Қиёсий (икки тижорат банкни ёки бир гуруҳ тижорат банкларини бир-бирига таққослаш – процентил) омили йўқ.

2. CAMEL рейтингни белгилашда республикамызда ҳар бир омил учун солиштирма фоизлари йўқ.

3. CAMEL тизими таҳлилида республикамызда таҳлил қилинаётган омиллар ўртасидаги муносаббатлик белгиланмаган. Чунки, А- банк активлари ортса, L – ликвидлик камаяди, лекин даромад ортади, А- банк активлари камайса, L – ликвидлик ортади, лекин даромад камаяди. Бундай ҳолда банклар қандай меъёрга “А ва L” ни бошқариш керак. Бу масала ҳозирга қадар ўз ечимини топгани йўқ.

3.2. Ўзбекистонда CAMEL тизими орқали самарали аудитни ташкил этиш йўналишлари

Ўзбекистонда CAMEL тизими орқали банк аудитини амалга ошириш самарадорлигини ошириш учун:

Биринчидан, Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг CAMEL тизимига асосланган тижорат банклари рейтинг тизимини тузиш ва матбуотда эълон қилиш;

Иккинчидан, Марказий банкдан ташқари банк билан боғлиқ бўлган иқтисодий агентлар ҳамда бошқа томонларининг, жумладан, жамоатчилик, касаба уюшмалари, илмий тадқиқотчиларнинг ушбу тизим усулига асосланиб, мустақил равишда баҳолашларни ўтказишлари учун матбуотда эълон қилинадиган банк ҳисоботларидаги маълумотларни кўпайтириш;

Учинчидан, ҳозирги даврда ушбу тизимга асосланган ташқи аудитни амалга ошириш, айниқса, хорижий аудитор фирмалари томонидан ўтказиш, энг қиммат хизмат турларидан бири бўлмоқда ва шу сабабли, банклардаги ички аудитни ривожлантириш, банклар томонидан ташқи аудитга тайёр ишлар сифатини янада ошириш;

Тўртинчидан, банк фаолиятини тартибга солувчи фармон, қарор ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплиги банкларнинг ҳам аудиторларнинг ҳам ишини қийинлаштирмоқда, шу сабабли, ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишдаги банклар ваколатларини янада кенгайтириш лозим.

Демак, мақсади, тижорат банкларининг фаолиятини самарали ташкил этишини аниқ белгилаб берувчи омил тижорат банклар фаолияти аудитидаги CAMEL тизимидир. Унинг моҳияти эса тижорат банкларининг келажақдаги иқтисодий мақсад нишонини белгилаш ва йўл қўйилган молиявий хато ва камчиликлари ҳақида ахборот берувчи тизимдир.

Шу билан бирга, олдинги бўлимда келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этишда ва самарали банк назоратини ташкил этишда қуйидаги чора тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Тижорат банкларида “капитал rischi”ни камайтириш.

Маълумки, капитал rischi деганда, банк активларининг бозор нархи ёки сифатининг ўзгариши натижасида капитал таркибидаги айрим манбалар камайиш натижасида банк капитали миқдорининг камайиш хавфи тушунилади. Капитал rischi банк капитали таркибида қайта баҳолаш захиралари қанчалик юқори салмоққа эга бўлса, шунчалик юқори бўлади.

Амалиётда банк капитали таркибида девальвация захираси юқори салмоққа эга. Бу миллий валютамиз қадрининг ошиши устав капиталида хорижий валютага эга тижорат банкларида капиталнинг камайиш хавфини туғдиради. Шу сабабли девальвация захираси нобарқарор манба ҳисобланади. Кўпгина иқтисодчилар тижорат банкларида капитал riskини камайтириш мақсадида халқаро амалиётга мувофиқ девальвация захирасини I даражали капитал таркибидан чиқариб, II даражали капитал таркибига киритиш лозимлигини кўрсатишади. Бироқ, фикримизча бунинг учун I даражали капитал таркибида девальвация захирасини ўрнини босувчи манбани топиш керак бўлади. Чунки, девальвация захирасининг I даражали капитал таркибидан чиқарилиши кўпгина тижорат банклари капиталининг кескин камайишига ва капитал етарлилигига қўйилган талабларни бажара олмасликларига олиб келади.

Тижорат банкларининг устав капиталининг хорижий валютадаги қисмини конвертация қилиш ва хорижий валютада устав капиталини шакллантиришни таъқиқлаш банк тизимида бўлган инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади. Чунки, хорижий инвесторнинг ўз маблағини конвертация қилиб инвестицияга йўналтириши, юқори инфляция шароитида нафақат оладиган даромадининг балки, қилган қўйилмасининг ҳам қадрсизланишига олиб келади. Шу сабаб, инвестор барқарор валютада инвестиция қилишдан манфаатдор бўлади. Бироқ, банк устав капиталидаги хорижий валютадаги улуш валюта курси ўзгариши натижасида банк капитали миқдорининг ўзгариб туришига олиб келади.

Девальвация захирасини даромад сифатида солиққа тортиб, дивиденд сифатида тўлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Бу тижорат банки активлари ва капиталининг камайишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча тижорат банклари девальвация захирасини капиталлаштириш лозим. Девальвация захирасининг доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиши – уни капиталлаштиришга имкон беради. Хориж амалиётида бу тарзда қайта баҳолаш захираларининг (валюта, қимматли-қоғозлар ва асосий воситаларни қайта баҳолаш захиралари) капиталлаштирилиши, яъни банк акциядорларига бепул акция тарқатиш орқали устав капиталига қўшилиши “бонусли эмиссия” деб аталади. Янги чиқарилган акциялар банк активларини камайтирмайди ва олдин чиқарилган акциялар бозор баҳосини туширмайди. Бонусли эмиссия банк акциядорлик капиталини ошириб, унинг барқарорлигининг ўсишини таъминлайди. Одатда, капиталлаштириш устав капиталининг 20 фоизигача амалга оширилади. Бонусли эмиссия суммаси устав капиталининг 5 фоизигача бўлса, акциялар бозор баҳосида ва 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган қисми номинал қийматида акциялар тарқатилади. Бунда акциялар бозор баҳосининг юқори бўлиши бонусли эмиссиядан акциядорларнинг манфаатдорлигини оширади. Хориж амалиётига мувофиқ девальвация захирасининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда 3 йилда бир маротаба, 5 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган қисмини капиталлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизча, 5 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган девальвация захираси суммаси моҳиятан ўзини “оқлаган” бўлади. Чунки, девальвация захираси устав капиталини қайта баҳолаш натижасида гарчи, банк активлари ўсмаган ҳолда шакллантирилсада, банк пассивида активлар манбаси сифатида акс этади. Мазкур активларни айнан кўрсатиб бўлмасида, улар беш йил давомида бир неча бор оборотда бўлиб ўзини оқлаган ҳисобланади.

Девальвация захирасининг капиталлаштирилмаган қисмини II даражали капитал таркибига киритиш лозим. Бу тижорат банклари II даражали капитали базасининг мустаҳкамланишига олиб келади.

2. Тижорат банкларининг қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

Тижорат банклари консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмалар ва субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳажмини ошириш йўли билан қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятига эгадирлар.

3. Тижорат банклари акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг қўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим .

Бунинг учун аввало тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш лозим. Бунда ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларга тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш, инвесторларнинг банк акцияларига қилган қўйилмалари ва улардан оладиган даромадларига инфляция даражаси ва валюта курси таъсирини ҳисобга олиш зарур. Кўпгина тижорат банклари устав капиталини ошириш мақсадида соф фойдани асосий қисмининг бир неча йил кетма кет капиталлаштиришлари уларнинг тўлайдиган дивидендларини камайишига олиб келмоқда. Соф фойданинг капиталлаштирилишида капитални шакллантириш матрицасидан фойдаланиш ва дивидендларнинг доимий ўсиш тенденциясини ушлаб туриш лозим. Акс ҳолда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида акцияларга бўлган барқарор талабни юзага келтириш ва банк акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

4. Тижорат банклари капитали етарлилигини ҳаққоний тарзда акс эттиришни таъминлаш лозим.

Маълумки, амалиётда тижорат банкларига капитал етарлилигини сифат кўрсаткичларини бузиб кўрсатиш имконияти мавжуд. Айниқса, кредитларни нотўғри таснифлаш орқали муаммоли кредитлар учун

эҳтимолий йўқотишларга доир махсус захира харажатларини камайтириш билан банк соф фойдасини асоссиз ошириш мумкин. Тижорат банклари харажатларини бу йўл билан камайтириш маълум давр ижобий натижа бериши мумкин. Лекин келгусида банк инқирозга учраши учун замин яратади.

Мазкур муаммони бартараф этиш ва капитал етарлилигини ҳаққоний тарзда баҳоланишини таъминлаш учун капитал етарлилигини ҳисоб-китоб қилишда умумий капиталдан чегирмалар таркибига кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилмаган махсус захиралар суммасини қаритиш лозим. Бу тижорат банкларига банк соф фойдасини асоссиз ошириш орқали капитални ўстиришга қаратилган ҳаракатларини самарасиз қилиб қўяди.

5. “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартириш, айниқса рискка тортилган активларни ҳисоб-китоб қилишда операцион рискни ҳисобга олишни босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Чунки, операцион риск кредит рискларидан кейинги ўринда туриб, ушбу кўрсаткичнинг бирданига амалиётга жорий қилиниши капитал етарлилиги кўрсаткичининг бирданига кескин тушиб кетишига олиб келади. Бу эса миллий банк тизимимизда бир қанча муаоммолар пайдо бўлишига, тижорат банкларининг халқаро рейтинг кўрсаткичларининг тушиб кетишига, натижада эса хорижий ва миллий инвесторларнинг банк тимизига бўлган ишончининг йўқолишига олиб келади.

6. Тижорат банкларининг капиталини реал акс эттириш мақсадида регулятив капиталдан чегирмалар қаторига муаммоли ссудалар бўйича яратилмаган захираларни киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бу тижорат банкларига махсус захира ажратмалари харажатларини яшириш орқали юқори соф фойдага чиқиш ҳисобидан капитал етарлилиги талабларини бажариш имконини бермайди.

7. Тижорат банклари капитал етарлилиги кўрсаткичларидан леверажни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, левераж коэффиценти I даражали капитал етарлилиги коэффицентиға нисбатан доимо юқори талаб қўяди. Бунга сабаб, тижорат банклари умумий активларидан номоддий активлари чегирмаси доимо рискка тортилган активлар суммасидан катта бўлади. Амалиётда эса левераж коэффиценти минимал рухсат этилган даражаси 6 %, I даражали капитал етарлилиги коэффиценти эса 5% этиб белгиланган. Хориж амалиётида ҳам кўплаб давлатлар банк тизимида левераж бекор қилиниб, фақат умумий ва асосий капитал етарлилиги кўрсаткичлари қўлланилиб келинмоқда.

8. Тижорат банклари I даражали капиталининг асосий элементларидан ҳисобланган консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган инвестициялар амалиётимизда ҳали мавжуд эмас. Миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида лизинг, факторинг хизматларига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан эҳтиёжнинг юқорилигини инобатга олган ҳолда тижорат банклари қошида мустақил балансга эга бўлмаган лизинг, факторинг каби компанияларни ташкил этиш ва уларнинг консолидациялашган ҳисоботларни тузиш механизми ва ҳуқуқий базасининг яратилиши мақсадга мувофиқдир.

III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз банк тизимида тижорат банклари капитал таркибини шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ва CAMEL тизими асосида банк уаудитини ташкил қилиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Ўйлаймизки, ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида юқорида келтирилган чора тадбирларни амалга оширилиши республикамиз банк тизими самарадорлигини ошириш имконият яратади ҳамда бунинг натижасида республикамиз банк тизими барқарорлиги таъминланади.

Хулоса

Бозор иқтисодиёти шароитида банк иши мазмун-моҳияти ва ташкилий даражаси бўйича давлатнинг макроиқтисодий инфратузилмасида ислохотларини олиб боришида аниқ мақсадини белгилаб олишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда банк фаолиятининг барқарорлигини орттириш, банк тизимини соғломлаштириш учун банк аудити ва банк назоратини такомиллаштириш масалаларини ижобий ҳал этиш вазифасини белгиланади. Банк тизимининг жамиятдаги мавқеи унинг даромад кўрсаткичи натижалари билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун банкларнинг самарадорлик кўрсаткичларини мунтазам орттириб боришини таъминлаш, аввало, банк ходимлари масъулияти бўлса, қолаверса, банк даромадини мунтазам ортиб боришини назорати билан бирга тижорат банкларнинг банк капитали, банк активлари сифати, мижозлар олдида фавқулоддаги мажбуриятларини бажариш учун банк ликвидлик кўрсаткичини белгиланган тартибда кузатиб боришини талаб этади. Шундагина банклар республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Бу тизим тижорат банклари фаолиятини баҳолашда содда ва тушунарли бўлиб, қисқа давр ичида жаҳонда банклар назорати амалиётида кенг қўлланила бошлади. Умуман олганда бу рейтинг тизими, тижорат банклари фаолияти натижаларини, мавжуд активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда муҳим бўлган умумий кўрсаткичларни ўз ичига олади.

CAMEL рейтинг тизимининг якуний натижаси тижорат банкларнинг молиявий фаолияти тўғрисида банк бошқарув раҳбарияти ва банк назоратига маъсул ташкилотларни ҳаққоний, тўлиқ маълумотлар беради ҳамда тижорат банкининг иқтисодий ҳолати ҳақида ишончли ахборотлар билан таъминлашга ва улар иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилади. CAMEL рейтинг тизими орқали банклар фаолиятини таҳлил

қилиш анча самарали бўлиб, банкларнинг рақобат шароитида инқирозга тушиб қолишини олдини олади.

CAMEL тизимини такомиллаштириш масаласига бағишланган ушбу тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шаклланишига муваффақ бўлинди.

CAMEL тизими компонентлари 2 та тушунчани ўзида ифода этади:

1. Банкнинг молиявий фаолияти ва ҳолати ҳақида банк раҳбариятига тўлиқ маълумотлар етказиб беради.

Бунинг мазмунида баҳо натижаси банкнинг иқтисодий характеристикасини белгилайди, банкнинг иқтисодий ҳолатига, агар, керак бўлса, маслаҳатлар ёки ғавқулоддаги хатарлар олдини олиш имкониятларини белгилайди.

2. Банкларнинг молиявий ҳолати ҳақида банк мижозларини тўлиқ маълумотлар билан таъминлайди.

Бунда банк фаолиятини CAMEL асосида аудит ўтказилиши банк мижозларини банкнинг иқтисодий ҳолати ҳақида маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлил натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Активлар сифатини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган заҳирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби асосида таснифланиши лозим.

2. Ликвидлик бўйича жорий қилинган янги меъёрларни янада аниқлаштириш, уларни ҳисоблаш бўйича услубий тартиблар ишлаб чиқиб жорий этилиши лозим.

3. Тижорат банклари акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш зарур .

Бунда тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидентлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш ва аҳолининг қимматли қоғозлар бозори ҳақидаги маълумотларини ошириш лозим.

4. Тижорат банклари жами капитали таркибида қўшимча капитал салмоғини ошириш лозим.

Тижорат банкларининг қўшимча капитали таркибида: субординациялашган қарз мажбуриятлари, консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмаларнинг мавжудлигини таъминлаш лозим.

Бунинг учун тижорат банклари қошида лизинг, факторинг ва бошқа компанияларни очиш ва кўпайтириш лозим. Яъни банк капиталининг консолидациялашувига эришиш лозим.

6. Республика тижорат банклари ва молия-банк тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларнинг бажарилишига эришиш борасида тегишли ишлар олиб бориш лозим.

7. Банк рискларини камайтириш мақсадида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, инновацион ғоя ва фан ютуқларини амалиётга жорий этиш зарур.

Бунда банк фаолиятида турли янги дастурларни, техника ва технологиялардан фойдаланиш рискларини камайтириш билан бирга банк иши сифатини оширишга ҳам ёрдам беради. Бу ўз навбатида операцияларнинг тезлиги, сифатлилиги, қолаверса, мижозларнинг ишончи ортиши натижасида банк мижозлари базаси кенгайишига олиб келади.

Албатта, бу тизим банкнинг асосий кўрсаткичларидан хисобланган капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлилиги ва ликвидлик омилларини хисоблаш банкларни рақобатдаги ўз ўринларини аниқлаб олиш мажбуриятларини белгилайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонуни. 2011 йил 4 октябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар тўплами. Т. Ўзбекистон 2011 й. 448 б.

II.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2000 йил 21 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони, 2008 йил 28 ноябрь. “Халқ сўзи” газетаси 29.11.2008 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2005, 16 апрел, №73.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарори, 2009 йил 28 июль.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарори, 2010 йил 6 апрел.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори. 2010 йил 26 ноябр.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори. 2015 йил 6 май.

III. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2011 йил 10 сентябрдаги “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 26/1-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 29 декабрдаги “Тижорат банклари капитал етарлилигига нисбатан

кўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 36/2 – сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 29 декабрдаги “Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш тўғрисида тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 36/1–сонли Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

17. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

18. И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

19. И.А.Каримов “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир”.- Т.: Ўзбекистон, 2007.

20. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

21. И.А.Каримов “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.- Т.: Ўзбекистон, 2010 - 56б.

22. И.А.Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси, 2013 й.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015

йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2014 й.

V. Китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами

25. М.К. Эрматов. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005.
26. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.- Т.: Молия, 2002.
27. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.
28. Абдуллаева Ш.З. Омонов А.А.Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш –Т.: “Иқтисод-молия”, 2006 йил 120 б.
29. Абдуллаева Ш.З., Каримов Ф.Ш., Наврўзова К.Н., Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни шакллантириш асослари. Ўқув қўлланма. 1-китоб Т.:ТМИ, 2004 йил.
30. Абдуллаева Ш.З., Каримов Ф.Ш., Наврўзова К.Н., Ортиқов У.Д. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. Ўқув қўлланма. 2-китоб Т.: ТМИ, 2005 йил.
31. Т.Қоралиев., У.Ортиқов. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. Тошкент. 2009 й.
32. Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке: учеб. /А.Р.Алавердов. – М.: Маркет ДС, 2007.
33. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (Банковский менеджмент) Москва. Юристъ 2003.
34. Панова Г.С. Финансовый анализ состояния коммерческого банка. М.: Дело и Сервис, 2006.
35. Балабанов А.И., Боровкова Вик. А., и др. Банки и банковское дело: Учебник для вузов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007.

36. Белоглазова Г.Н. Банковское дело: Учебник для вузов – СПб.: Питер, 2008.
37. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учебное пособие. – М.: Магистр, 2007.
38. Ермаков С.Л. Основы организации деятельности коммерческого банка: учебник. – М.: КНОРУС, 2009.
39. Жуков Е.Ф., Зеленкова Н.М. Деньги. Кредит. Банки: учебник для студентов вузов.- 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009.
40. Коробова Г.Г. Банковское дело: Учебник - М.: «Экономистъ», 2005.
41. Куликов А.Г. Деньги, кредит, банки: Учебник. – М.: КНОРУС, 2009.
42. Лаврушин О.И. Банковское дело.- М.: Финансы и статистика, 2001.
43. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.- Т.: Ўзбекистон, 2001.- 296с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

44. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. USAID - CAMELS тизими бўйича маълумот.// 1998 йил декабр, 8-б.
45. Бобокулов Т., Юсупов А. Тижорат банклари капитали етарлигини таъминлаш.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2004 йил. – 6-7 б.
46. Абдуллаева Ш.З. CAMEL – банк фаолиятини баҳолаш хизматида. // Бозор, пул ва кредит. №4, 1998 йил. – 49 бет
47. Терри Страуд. Банк назорати.// Бозор, пул ва кредит, №12, 1999 йил.
48. Бобоев Б. Банк ресурсларидан фойдаланишни мақбуллаштириш. //Бозор, пул ва кредит. №2, 2001.
49. Власов С.Н., Рожков Ю.В. Управление ликвидностью коммерческого банка.// Банковское дело. №9, 2001. – С.24-26.
50. Жўраев У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базель Қўмитасининг роли.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2003 йил. – 3-7 б.

51. Капитализация банков Узбекистана: факторы и условия роста.// Рынок, Деньги и Кредит. №2, 2007 йил. – 3-12 б.
52. Каримов Н. Тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлаш – инвестициявий фаолиятни такомиллаштириш омили. //Бозор, пул ва кредит. №10, 2006 – 13-14 б.
53. Козлов А.А. Вопросы реализации Базельских рекомендации в области банковского надзора в России. //Деньги и Кредит, №6 -2006.
54. Маткаримов М. Тижорат банки ресурс базасини шакллантириш. //Бозор, пул ва кредит. №1.2005.
55. Маткаримов М. Банкнинг ўз маблағлари амалдаги ҳолати таҳлили. //Бозор, пул ва кредит. №8-9, 2004.
56. Омонов А. Банк капитали етарлилигини таъминлашда хатарли банк активлари аҳамияти. // Бозор, пул ва кредит. №6 2004. – 14-15 б.
57. Омонов А.Банк капитали етарлилигига қўйилган талаблар. // Бозор, Пул ва Кредит. №3 200 4. – 14 - 15 б.
58. Омонов А. Замонавий ривожланиш боскичида тижорат банкларини капиталлаштириш, // Бозор, пул ва кредит.. №7 2005. – 3-5 б.
59. Собиров А., Юсупов А. Стратегия формирования и укрепления капитала коммерческих банков Узбекистана. //Рынок, Деньги и Кредит, №2. 2005. – 9-15 с.
60. Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективы их реализации.// Деньги и Кредит, №6, 2000.
61. Комиссаров Г.П. Управление деятельности коммерческих банков.//Вестник банковского дела №1 2004.
62. Қоралиев Ш. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш.// Бозор, пул ва кредит. №2. 2003. – 13-14 б.
63. З.Халдаров. Молиявий ресурслар барқарорлиги банк салоҳиятини мустаҳкамлайди. // Бозор, пул ва кредит, №12, 2011. 34-36б.
64. АТ “Алоқбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари.
65. “Аҳбор-Рейтинг” миллий рейтинг агентлиги ҳисобот маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари

www.cbu.uz

www.bankir.ru

www.bis.org

www.cbr.ru

www.aloqabank.uz

www.ahbor.uz